

МАҚСУДА ЭГАМБЕРДИЕВА

ОСМОН СОҲИЛИДА

ШЕЪРЛАР

Тошкент
2011

Мақсуда Эгамбердиева XX-асрнинг 70-йилларда адабиётга кириб келиб ўзига хос овозга эга бўлган истеъдодли шоира. Шоиранинг ижоди адабиёт мухлисларига унинг “Гулбарг” (1978), “Мактуб” (1980), “Насиба”(1985) номли шеърий тўпламлари орқада яхши таниш. Ўтган йиллар ичида шоира ҳаётни яхши ўрганди, ўз қаламини чархлашдан тинмади. Ўзбекистоннинг Мустақиллик эришиши бошқа ижодкорлар қатори унга ҳам янги илҳом ва маъсулият хиссини юклади.

Ушбу тўпلامдан ўрин олган шеърларда Ватанга муҳаббат, табиат гўзаллиги, уни асраш, аёлнинг қалб дардлари, унинг жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши, фарзанд келажаги учун қайғуриш, ўзмақсадига ҳалол йўл билан эришиши йўлидаги қийинчиликлар ўз аксини топган.

Шоиранинг шеърларида беором қалбли инсоннинг ички кечинмалари, табиат гўзаллиги, Ватан манзаралари, инсонларнинг ички оламига, воқеа ва ҳодисаларга бадиий назар ташлаши кўринади.

Ушбу тўпلامдаги шеърлар мураккаб инсон қалби кутбларини очишга хизмат қилиши шубҳасиз.

КЎНГЛИМГА ШИФО ВАТАН

Билқиллаган тупроқлар,
Сўлқиллаган япроқлар,
Шарқиллаган ирмоқлар,
Кўнглимга шифо, Ватан.

Сузиб юрган булутлар,
Толда сариқ тивитлар,
Пишиб тўкилган тутлар,
Кўнглимга шифо, Ватан.

Жийда гулининг атри,
Чақмоқнинг қисқа сатри,
Сир каби дарё қадри-,
Кўнглимга шифо, Ватан.

Осмон-ла ер ўпишар,
Майсага шудринг тушар,
Икки юрак топишар,
Кўнглимга шифо, Ватан.

Тоғларнинг салобати,
Боғларнинг ҳаловати,
Юлдузлар саловати-,
Кўнглимга шифо, Ватан.

Беминнат салқинларинг,
Ўрқачли тўлқинларинг,
Йироғу яқинларинг,
Кўнглимга шифо, Ватан.

Истиклолинг-қанотим,
Истикболинг-баётим,
Муҳаббатинг-хаётим,
Кўнглимга шифо, Ватан.

2000.

ХАЛҚИМ

Катта дарёлардан сув ичган халқим,
Катта қадам ташлаб, тоғлардан ошар,
Мана, қувиб етар офтобдек балқиб,
Катта марраларни, ғайрати тошар.

Баланд тоғларининг қояларида,
Соҳибқиронларин бордир келбати,
Эккан чинорларин сояларида,
Жон сақлайди башар маънавияти.

2011.

ЙИГИРМАНЧИ АСР, ХАЙР ОНАЖОН!

Йигирманчи аср, Хайр онажон!
Тарихга кетарсан дардларим олиб,
Сенга етиб келмоқ бўлмаган осон,
Кетмоқ ҳам мушкулдир ортга кўз солиб,

Менинг оғриқларим сеники бўлди,
Сенинг оғриқларинг меники бўлди,
Сув ўтники, гоҳ ўт сувники бўлди,
Йигирманчи аср, Хайр онажон!

Турлидир инсоннинг муаммолари,
Тириклик, осойиш, тан даволари,
Эрк, исён, кўшнилик можаролари,
Йигирманчи аср, Хайр онажон!

Бағрингда камолга етди ақллар,
Йигирма биринчи асрнинг улар –
Боғида ўстирар энг асл гуллар,
Йигирманчи аср, Хайр онажон!

ВАТАН

Маст қилади гулларинг, хушбўй,
Тиканларинг этар ҳимоя.
Ватан, сенсан энг дилрабо куй,
Сенсан дилнинг куёши, ойи.

Болаларнинг қора кўзи-сен,
Сен элимнинг ўзлиги –Ватан.
Ботирларнинг кескир сўзи-сен,
Сен йўлимнинг ўзлиги –Ватан.

Сенинг олтин тупроқларингдан,
Униб чиққан орзу гуллари.
Майса ўсган сўқмоқларингдан.
Бошланади ҳаёт йўллари.

Болдан ширин сўзларинг бағри
Бола қалбга бўлди беланчак.
Узоқ-узоқ уфқлар сари,
Йўллаган сен, тутиб гул-чечак.

Китобларни тутдинг кўлимга,
Тутдинг яна қоғоз ва қалам.
Ёғду сочди кўнглим, йўлимга
Навоийнинг ғазаллари ҳам

Кунлар совуқ. Совқотмасин –да,
Мен ҳақимда ўйлайсан Ватан.
Юрагимга латиф, фархунда-
Туйғуларни жойлайсан Ватан.

Болам яхши кунлар кўрсин деб,
Заҳматларга кўксинг қалқондир.
Боғларимда шодмон юрсин деб,
Бағринг –замин, меҳринг –осмондир.

ОСМОН СОҲИЛИДА

Кўк денгизга тўйиб боқаман мафтун,
Унда сузиб юрар оппоқ булутлар,
Қор ва ёмғир бўлиб, биламан бир кун,
Улар замин узра шеърларим қутлар.

Осмон соҳилида яшил дарахтлар,
Соҳил кўзгусига рўбарў қотмиш,
Олисларда қушлар эркин, бехатар,
Мовий чексизликка бир тошдек ботмиш.

Гулларнинг япроғи ғижжакли, торли,
Осмон соҳилидан анча берида,
Осмон денгизида чўмилган борлиқ,
Мириқиб тобланар офтоб нурида.

2011

НАВРЎЗ

Наврўздир. Юракнинг томи устида,
Зикр тушмоқдадир Мажнун ёмғирлар,
Наврўздир. Елларинг доми устида,
Ўйнар гуллар-фанодан бохабар ҳурлар.

Сумалак-малаклар тухфаси боис,
Тошган кўпигидан боғлар кўпирмиш,
Водийлар узраким томчилар нафис
Қурган кўприклардан ранглар югурмиш.

Қизариб-бўзарган осмоннинг акси,
Ариқ кўзгусида оқар живирлаб,
Қабаради маъсум куртаклар кўкси,
Ўйғонаркан баҳор исмин шивирлаб.

Варрақлар осмонни эгаллаган завқ,
Боланинг қалбини тортқилар кенглик,
Қирларда чучмома, лола хушчақчақ,
Наврўздир. Карамдир. Наврўздир. Тенглик.

Юлдузлар жимлигин маҳбуси-оғзим
Чечаклар қавмига мени қўшгайдир.
Кўзларим уфққа бўлиб мулозим,
Томиримда алвон қонлар жўшгайдир.

Қалбимга баҳорнинг акси тушгайдир.

2000

ЭЛИМГА

Боғи кўкармасин сени сотганнинг,
Сени талаганалар итдан хор бўлсин.
Тухмат тошларини сенга отганнинг,
Авлоду аждоди шармисор бўлсин.
Сени алдаганлар кул бўлсин куйиб...

НАВОИЙДАН СЎЗЛАНГ

Дўстлар, сўзланг менга бугун Навоийдан,
Қалбим қуши яраланмиш ишқ ёйдан,
Қай юракда тирилганда Мажнун ишқи,
Унга олам гўзал Лайли чиройидан.
Дўстлар, сўзланг менга бугун Навоийдан.

Дўстлар, сўзланг менга бугун Навоийдан,
Фарход жисми яралмишдир дард лойидан,

Тахтдан кечиб, тоғу тошда ариқ қазиб,
Жой топмишдир Ширин ишқи саройидан,
Дўстлар, сўзланг менга бугун Навоийдан.

Дўстлар, сўзланг менга бугун Навоийдан,
Дилим озор чекар Бахром хатойидан,
Чўлга ёлғиз ташлаб кетгач Дилоромин,
Билмас энди, олам аро топса қайдин,
Дўстлар, сўзланг менга бугун Навоийдан.

Дўстлар, сўзланг менга бугун Навоийдан,
Тикланмиш бир улуғ девор шоҳ саъйидан,
Шоҳ Искандар деворидек адлу инсоф,
Тўсар халқни ёвузларнинг даъвойидан,
Дўстлар, сўзланг менга бугун Навоийдан.

Хайратим бор “Яхшиларнинг хайрати”дан,
Ҳасратим бор ошиқларнинг ҳасратидан,
Ўқинг. Қониб ичай ғазал шарбатидан,
Дўстлар, сўзланг менга бугун Навоийдан.
Дўстлар, сўзланг менга бугун Навоийдан.

2001

АЁЛ МАДҲИ

Сен ҳаёт гулшанин гулисан аёл,
Дунёнинг бешигин тебратган она,
Сен тилсиз рўёлар тилисан она
Гоҳи ҳақиқатсан , гоҳи афсона.

Шу зумрад кенгликлар, гўзал чаманлар,
Чўлпон кўзларингни ўпиб баҳтиёр,
Насимлар кўксидан оққан оҳанглар
Қутлуғ изларингни ўпиб баҳтиёр.

Тиришиб-тирмашиб оиланг учун
Йўқни йўндирасан, борни асрайсан.
Эй аёл! Оналик меҳринг тун-у кун.
Яратаверади толега имкон.

Умрнинг боғлари мевалар тугар
Сен ёзни келтирган тақдир қишида.
Йўлингда заҳматлар аста тиз чўқар
Бораркансан бахтнинг йўналишида...

ФУРҚАТ СОҒИНЧИ

Мана Ёрқандда ҳам гуллади бодом,
Хўқандим, кўзимда мовий сувратинг,
Сендан айру қалбим, умрим беором,
Фақат сени ўйлаб яшар Фурқатинг.

Ватан, тупроғингни ўпарманми, айт,
Нега бир шоиринг бунга саргардон,
Кўрдим, маккор ёвга тоза диллар сайд,
Гул шаҳрим, вужудим сенсиз биёбон.

Кўхнадир оламнинг шодлик, армони,
Кўксимга бош қўйиб титрайди баҳор.
Кўпириб ётади соғинч туғёни,
Эй дилором Ватан, ҳажринг-дилозор.

Мана Ёрқандда ҳам гуллади бодом,
Хўқандим, кўзимда мовий сувратинг,
Сендан айру қалбим, умрим беором,
Фақат сени ўйлаб яшар Фурқатинг.

2008

* * *

Ўрмонга ўт кетса ёнмайдиганлар,
Сарсону саргардон сиз боис барча.
Элга хиёнатдан тоймайдиганлар,
Ҳар ғамдан қочмоққа бор сизга дарча.

Сиз олов билан ҳам топишасиз тил,
Ёнмайсиз аланга ичида туриб,
Аксинча оловнинг йўлин соддадил –
Дўстингиз томонга қўясиз буриб.

Сиртдан Сиз ҳақиқат учун даъвогар,
Қиличдай кескирсиз, арслон келбатсиз,
Аслида тулкисиз фурсат пойлаган,
Оташпараст эмас худпараст зотсиз.

Қатағон йиллари буюк зотларни –
Сиз рўбарў қилган хўрлик, ўлимга,
Кейин-чи алдаган ёш авлодларни,
Мен дўст эдим дея ўша мархумга.

Ўрмонга ўт кетса ёнмайдиганлар...

ҚЎҚОН

Олис кетсам, кутиб, чорлайсан,
Борлигинг гул, сўзларингдир қанд,
Дилда қуёш бўлиб порлайсан,
Аиз шаҳрим, сен латиф Хўқанд.

Тўйларингда кўнгил эрийди,
Қанот ёзар қиз-у жувонлар,
Офтобингда ғамлар қурийди,
Шамолингда асов туғёнлар.

Худоёрхон Ўрдаси собит,
Теграсида йиллар айланар,
Бир пайтлар келгинди зобит –
Юрган йўлди ўсар хиналар.

ЎҒЛОНЛАР

Дуогўй отаси бор хонадонга,
Дуогўй онаси бор хонадонга,
Шарқираган дарё каби келади,
Ишлаб топган ризқин қайириб келар.

Излаб топган ризқин айириб келар,
Оила юкини елкага ортган,

Эр етган ўғлонлар,қобил ўғлонлар,
Дуогўйларини кафтда тутганлар,
Барака ёғилар шу хонадонга,
Ҳавас-ла боқилар шу хонадонга.

2006

ЎЗБЕКНИНГ ВИЖДОНИ

Абдулла Қаҳҳорга,

Ўзбекнинг виждони Абдулла Қаҳҳор!
Кўймаган айтмоққа оқни қора деб,
Адабиёт учун иблис қурган дор
Неча бор йиқилган ундан зарба еб,

Меҳрни ўлдирган амалпарастлар.
Пулга сажда қилган пасткаш тўдани,
Халқини талаган қанча чаптастлар
Ишларин фош этди Қаҳҳор ўртаниб.

Этагини йиғиб қочолмай қолган
Қаҳҳор қай иллатни фош этса, кулса.
"Йиғланмасин" деган бир сўзи билан
Асарида қолган бағритош кимса.

Қаҳҳор қаламидан. сўзидан чўчиб.
Не-не тубан зотлар бўлолмади зўр.
Истеъдод, ҳақиқат, гўзаллик учун
Қурашга мисли шер отилди Қаҳҳор.

"Сиз халқни алдаманг. Сиз бир ўтқинчи,
Халқ эса абадий -қилди у нидо.
Сизга етар бир кун тарихнинг ўчи.
Бир куни фош бўлар ҳар қандай алдов"

Не хоин минбардан қувилди ўсал.
Абдулла Қаҳҳорга тополмай жавоб.
Амалини ташлаб қочди бир шақал.

Аччик сўзларига беролмайин тоб.

Шошилмай, ховликмай, тортмасдан наъра,
Бир оз босиқ, лўнда сўзларкан устоз,
Сирти, "тоғ" тубанлар бамисли зарра-
Тўкилган, янграгач ўктам ул овоз.

Кўп йиллар ўтдилар яримжон ва сушт,
Жавоб тополмайин Қаҳҳор сўзига.
Бир мингу тўққиз юз тўқсон бир. Август.
Истиқлол! Ўзбегим қайтди ўзига.

Мана Қаҳҳор сўзи-озодлик, қувонч.
Тил-эркин, йўл-эркин. Ўзбекистон-хур.
Мана Қаҳҳор сўзи-хақиқат, ишонч.
Ҳақ бўлиб чиқди-ку Абдулла Қаҳҳор.

Ўзбекнинг виждони Абдулла Қаҳҳор!
Кўймаган айтмоққа оқни қора деб,
Адабиёт учун иблис қурган дор
Неча бор йиқилган ундаи зарба еб,

Наздимда турарлар мум тишлаб ҳамон.
Қаҳҳорнинг сўзига тополмай жавоб.
Йилларнинг ортида мунофиқ аркон
Халқнинг виждонидан мот бўлиб, хуноб,

Ўзбекнинг виждони Абдулла Қаҳҳор!

ВАТАН

Теракларнинг адил қомати,
Кўринади хув олис ёқдан,
Тиканинг-да келган омади,
Ватан сенда униб чиқарган.

Порлаб, кўпчиб, отилиб, қайнаб,
Ранглар учар, товушлар учар,
Бу олтин бахт қўяркан қийнаб,
Гул титроғи қалбимга кўчар.

Нафас олар бунда мангулик,
Кўклам тонги бор нафасида,
Юрагида кири йўқ, буюк,
Одамларнинг қиёфасида.

Кечираман дилга беизн,
Кўпол фикрин ким ўқталаркан.
Қулоғимга энг майин сўзни,
Майсаларинг шивирлаб айтган.

1984

ҚИШ КУНЛАРИ

Қиш кунлари исинайлик ёқиб гулхан,
Қалбимизда не орзулар мева туккан.

Мажлис қураш олис кўкда сайёралар,
Дил ғуборин ювар кўшиқ- фавворалар.

Азизларим, қийналганда меҳрибоним,
Қадрингизга етай энди, қадрдоним.

Бобо, бувиларим шундай яшаганлар,
Бир-бирига жон тутиб, меҳр тўшаганлар.

Ҳам меҳмон, ҳам меҳсонмиз бир-биримизга,
Ғаним асло етолмасин сиримизга.

Гулханларнинг, сандалларнинг, маъшалларнинг,
Тафти ўтар юрагимга жамолларнинг,

Қиш кунлари исинайлик ёқиб гулхан...

2000

КУЙГАНЁР

Андижон вилоятида шу номли қишлоқ бор.

Бу манзил Куйганёр номин олибдир,
Бунда куйган Ёрнинг ёди қолибдур,
Куй куйиб куймаган ёрдан нолибдур.
Куйган Ёр куймаса куймасди куйлар.

Оловлар ингради, чўғлар кулдилар,
Ўзидан хабари йўқлар кулдилар,
Сайдидан бегона ўқлар кулдилар,
Куйган Ёр куймаса куймасди куйлар.

Йўқчилик йўқликдан йўндирган ёбон,
Тўқчилик шўхликка келтирган қурбон,
Қочкин Оху, кувиб борғувчи Қобон...
Куйган Ёр куймаса куймасди куйлар.

Беҳилар ойланиб, кўнгил бойланса,
Сувлар шойиланиб, қушлар шайланса,
Азоблар сайланса, йиллар айланса,
Куйган Ёр куймаса куймасди куйлар.

Андижон, бағрингда неча куйганлар,
Зулмлар риштасин дард-ла қийганлар.
Азобдан гул каби хирмон уйганлар,
Куйган Ёр куймаса куймасди куйлар.

Тирикликнинг доим ёйиқ бозори,
Кунлик ташвишларнинг ранжи, озори,
Бутун ютмоққа шай макр дутори...

Куйган Ёр куймаса куймасди куйлар...

1993.

ЧАРХИЙГА **(Устозимни ёдлаб)**

Шеър мулкида Чархий деган кўрғон бор,
Ул кўрғонда ёлғонларга тўғон бор.
Ошиқона ғазалларнинг бағрида
Қадок қўлли, шоир қалбли Кўқон бор.

Ушоқ гавда, камтар боқиш қаърида-
Юракларни сел қилурга имкон бор.
Умри ўтди, “дабдаба”дан нарида,
Балки йўқдир, балки бир оз армон бор.

Бахтдир ёниб ўтмоқ ҳам шеър-оловд,
Бахт – бойликда деган сўзда гумон бор.
Чархий шеъри чорлар, шеърхон аҳлига-
Виждонсизлик, қалбсизликдан омон бор.

2000.

ШИФОКОР

Сиз оппоқ халатда чиқасиз шошиб,
Оғриқ ва хасталик чорраҳасига.
Тоғдайин шифони ўтасиз ташиб,
Елкангизда хатар, дард орқасига.

Сиз борсиз, чекинар булутли кунлар,
Яна қуёш томон чопқиллайди жон.
Хатарнинг асабий кулгиси тинар,
Ярадор тўлқинлар тин олар шу он.

Ишонарлар: Сизда бордир жасорат,
Тўсмоққа ожизлик, маҳрумлик сасин.
Сиз дард куллигидан этарсиз озод,
Сиз-да курашчисиз сотилмас, асл.

Сиз учун бемор бор, йўқдир бошқа сўз,
Йўқдир “муҳим ишлар”, йўқдир зар-у зўр.
Вақт-у меҳнатингиз, хуллас умрингиз
Ўзингизники эмас уларникидир.

Меҳр шарпасидан кетар уйғониб,
Бунда беморларнинг оппоқ тонглари.
Шу оқликни таниб, унга ишониб,
Чалиниб ётади шодлик бонглари.

ПАХТАГА

Пахта, мен қошингда унутдим балки,
Қалбимнинг қадимий оҳангларини,
Ҳар недан баландроқ мен тутдим балки
Чексиз далаларнинг пок чангларини,
Соф тонгларин, ойдин кечаларин, рост,
Фидо қилди сенга ёш ҳам, қари ҳам,
Бутун йил уч қарич ўсарсан холос,
Осмонга қўярсан халос уч қадам.
Аммо сен уч қарич ўсмоғинг учун,
Ўттиз қарич кирди илдизлар ерга.
Лолалар ёмғирга тутди ҳовучин,
Орзулар-чи кунга тушди асирга
Пахтакор дардин ким билмас, ким билгай,
Тупроқдан излайди ахир камолин.
Фавворадай, фикри кўкка отилгай,
Йўқ, қайтгай, бошингдан сочгай хаёлин.
Энди вужудинга қон бўлиб сингган-
Сувчининг зилолдай эзгу нияти.
Бақувват ўсмоқни сендан ўтинган,
Навниҳол қизларнинг чўнг муҳаббати.
Боласини қўйиб, қошингга елган-
Келинчак кўзидан ўтган хавотир,
Кунларга бир йўла куз ёққан гулхан-
Бағрингда бир ганжга айланаётир.
Сен ахир-нонимиз, сен ахир -ўтлоқ,
Сен ахир-тиниқ сув, мусаффо осмон.
Сен ахир-боғларда ёзилган чарчоқ,
Сен ахир-шарбатлар қайнаган қозон.
Қуюндайин дамлар барчани тортган,
Ўзин пахтазордан излайди қўшиқ,

Шамолда эгилиб турган дарахтга,
Ўхшар қизлар, фақат илдизлари йўқ.
Шуъланг тушиб турди кўзимга тунда,
Пахта. тунда уйкум кетди очилиб.
Еру кўкни тутган оппоқ қуюнда-
Қизлар маржондайин борар сочилиб,
Хизматинг кўпларга экани тайин,
Дехқон дардига-да бўл ўзинг малҳам.
Момик бир жилмайиш кифоя, кейин,
Сезилмас бармоқлар тилингани ҳам.
Пахта мен қошингда унутдим балки,
Қалбимнинг қадимий оҳангларини...

1985

ЙЎЛДОШ СУЛАЙМОНГА (вафотидан сўнг)

Қани ўша Фарғонани тутган овоз,
Қани ўша одамларга ишонч, ихлос.
Сўзингиздан титраб кетган оппоқ қоғоз,
Фарғонанинг қани Йўлдош Сулаймони.

Қанча довон ортда қолди, ошгандингиз,
Ичга сиғмай дарё бўлиб тошгандингиз.
Яхшиларга кул бўлай деб шошгандингиз,
Фарғонанинг қани Йўлдош Сулаймони!

Йўлда йўлдош, элда-элдош, дардга дарддош,
Қанча инсон юрагига ёқиб қуёш,
Кимда бардош бўлса адо, бўлиб бардош,
Фарғонанинг қани Йўлдош Сулаймони!

Элнинг ардоғида даврон сурган эди,
Қанча-қанча синовларни кўрган эди,
Ёвларга ҳам озор бермай юрган эди,
Фарғонанинг қани Йўлдош Сулаймони!

Давраларда салобати тоғдек эди,
Қаҳқаҳаси момқалдирок эди.
Ҳар бир сўзи Мажнун тортган оҳдек эди,
Фарғонанинг қани Йўлдош Сулаймони!

Умр йўлдош Орзусини соғиндими,
Бедов отдек йўртар чоғи қоқиндими,
Ногоҳ ноҳақ сўз зарбидан қоқиндими?
Фарғонанинг қани Йўлдош Сулаймони!

Эли чакмоқ кўзларидан айру қолди
Шогирдлари юрагида қайғу қолди.
Насри, назми, мақолоти мангу қолди,
Фарғонанинг қани Йўлдош Сулаймони!

Фарғона деб эй юраги ёнган ошиқ,
Ўзинг эдинг бу ҳаётда гўзал кўшиқ.
Билки, фикринг, меҳринг элга эш, қоришиқ,
Фарғонанинг танти Йўлдош Сулаймони!

ОИЛАМ

Ой тутмаган ойдинимсиз, оилам,
Кун тутмаган кундузимсиз, кутганим.
Бу дунёнинг дерлар асли бири кам,
Сиздир менинг қонлар ютиб етганим.

Ой тутмаган ойдинимсиз, оилам,
Кун тутмаган кундузимсиз, кутмаган.
Оқиб ўтай дарё бўлиб, ёйила,
Юрагимда хали орзу битмаган.

Бир қарашдан кўнглим ўсар бегим-а,
Бир сўз захри жон-жонимни қақшатар.
Йўлим хиссиз нигоҳ тўсар, бегим-а,
Денгиз-қалбим тўлқинида ишқ ётар.

Сўқмоқ кетар орзу билан сирлашиб,
Нигоҳингиз муҳри-аёл кўркимда.
Бир ёғдуга бу икки кафт бирлашиб,
Зор қалбингиз қишда гуллар илкимда.

Ой тутмаган ойдинимсиз, оилам...

ОҲУ

Ароба тортмоққа туғилган Оҳу –
Аробангни отлар тортса бўлмасми?
Ўчиб кетаётир Дунё бўёғи,
Оёғингга гуллар ётса бўлмасми?

Ароба тортмоққа туғилган Оҳу –
Унутдинг наҳотки тоғлар бағрини,
Димоғинг маст этган турфа гиёҳу –
Чақмоқлар ёритган осмон қаърини.

Хорғин кўзларингда на хуркак бир ноз,
На борлиққа тўйиб боқмоқ сафоси,
На ёмғир, шамоллар чалганида соз.
Нигоҳингга чўккан япроқ ибоси.

Ўйноқлаб юрганинг бугун бир тушми,
Ўтлоқ, сувлоқларга уриб туёғинг.
Ароба тортмоқ ҳам оҳуға ишми?
“Тўхта”, “юр”га кўниб қолмиш қулоғинг.

Шунча керакмиди сенга ароба?
Беш кунлик умрга шунчалар захмат.
Тортмасанг бўлурми дунё хароба?
Ва сенга ким, қачон айтгуси раҳмат?

Ана, кишнаб юрар бир гала тулпор,
Энг бўлиқ ўтларни чайнаб баҳузур.
Ароба тортмоқни ўйламас бир бор.
Устида юки йўқ, юлқинар учкур.

Сен-чи аробани ташлаб кетмай деб,
Кундузни кечага улайсан ҳорғин.
Ҳолбуки сен эдинг бўстонларга зеб,
Аробани отлар тортган бир чоғи,

Ароба тортмоққа туғилган Оҳу –

БУЮК ЗИЁЛИ

Адабиётшунос Солижон Йўлдошевга

Саксон бора қишнинг қиридан
Ошиб ўтиб баҳорга етган.
Огоҳ саксон дунё сиридан,
Шашти саксон йилни қаритган.

Дилда сақлаб йўқотганларин,
Топганларин эл-юртга тутган,
Заҳмат тўла умр дафтарин
Юрак тўла зиёдан битган.

Нафс йўлида кимлар адашди,
Домла деди фақат “Алҳазар”,
Мансаб учун кимлар талашди,
Ушбу инсон солмади назар.

Ушбу инсон – серфарзанд ота,
Ушбу инсон буюк зиёли.
Ҳатто, ҳатто, қилса у хато –
Маърифатнинг бўлғай тимсоли.

* * *

Ғояга қарши ғоя,
Фикрга қарши фикр,
Қуёшга солган соя
Жаҳолатдан дунё тор.

Нафратингни ташла, қўй,
Чуқур нафас ол, инсон.
Ҳар одамда толмас ўй-
Оллоҳдан умид пинҳон.

Юрт тинчига тош отиб,
Дунёга дўзах қурма,
Эл оромин йўқотиб,
Шайтоний қаҳ-қаҳ урма...

2001

БОЛАҚАЙ

Сен борсан – дунё бор, болақай,
Қутқаргил дунёни заволдан
Дунё лол сен берган саволдан,
Сен борсан – дунё бор, болақай.

Кулгинг-соф, бу фақат кулгидир,
Баҳога бичилмас, бебаҳо.
Ишончинг дунёнинг мулкидир,
Яшашдан асли сен – муддао.

Сен борсан – дунё бор, болақай.

РУҲИЯТ

Журналист Хадича Каримовага.

Сизнинг йўлингизга туташдир йўлим,
Менинг қиёматлик опамсиз, азиз,
Сиз тутган қўшиқдан тўлган бу кўнглим,
Ушбу қўшиқ сабаб ҳаётим лазиз.

Беором қалб сочган зиёдан яйраб,
Кўкарган ҳақиқат гуллари чаман.
Бўрига едирмай келяпсиз асраб,
Сизлар бор, эзгулик кўраси омон.

Раҳмат шундай гўзал қалбингиз учун,
Ўш қизи, Марғилон суюк келини,
Сиздайлар бор экан, руҳият бутун,
Бўлиб ололмаслар майдалаб уни.

2007

ПИШИҚЧИЛИК

Олғирлик кўрқади пишиқчиликдан.

Пишиқчилик урар. Сочилиб кетар,
Олғирлик кўп узоқ пинҳон тутган сир.
Одамлар, одамлар очилиб кетар,
Олма, ўриклардан бозорлар балқар.

Олғирлик кўрқади пишиқчиликдан.

Пишиқчилик селдай босиб келмасин,
Оқизиб кетади пуч режаларни.
Қанча айланмасин ё ўргилмасин,
Попуги пасаяр не учарларнинг.

Олғирлик кўрқдди пишиқчиликдан.

Осмонга сапчиган нархи навони,
Шалпайтириб ташлар бу пишиқчилик.
Тоғ каби босаман деган даъвони
Ерга ура бошлар бу пишиқчилик.

Олғирлик кўрқади пишиқчиликдан.

Олғирлик эҳ, қанча чуқурлар қазиб,
Ўлжа пойламасин баъзан куну тун.
Пишиқчилик тарвуз, қовун тутқазиб,
Рақиблардан мудом чиқади устун.

Олғирлик кўрқади пишиқчиликдан.

Бўй етган қиз каби қанчалар гўзал,
Йигитдек шиддатли бу пишиқчилик.
Дехқон қўлларидек баракаси мўл,
Қанчалар ҳимматли бу пишиқчилик.

Олғирлик қўрқади пишиқчиликдан.

МАНГУЛИК

Рассом Раҳмонжон Мирзаев хотирасига

Уйғониб кетади эски хотира,
Манзара: қимтинган баҳор ўтинчи.
Тўрт фасл ҳам қорда излар бокира,
Шундан кейин наҳот ҳаёт ўткинчи.

Нолаваш шамолда кузнинг ҳасрати
Эски-ю, янгидир ҳар боққанингда,
Ҳовузда жимирлаб рассом ҳайрати,
Олов ёққан каби мудом қонингда,

Нимадир бор унда, боғнинг ортида,
Сенга жуда азиз ўша нимадир,
Балки у соғинчинг, балки у видо,
Сен кеча бекалр айлаган қадр.

Юракнинг ёввойи манзаралари
Шайдойи кўзимдан ўтар аксланиб,
Олдида пуч каби можаро бари,
Гўё мангуликни қолганман таниб.

ЯХШИ ТУШЛАР КЎРИНГ

Яхши тушлар кўринг, ойдин кечалар,
Термулиб турганда юзингизга бахт.
Босган изингизни сақлаб кўчалар,
Исмингиз шивирлаб айтаркан дарахт.

Яхши тушлар кўринг, уйкусиз гуллар-
Сизга афсоналар тўқиётган чоғ.
Юлдузларга боқиб мудроқ довуллар,
Ўзича фалсафа сўқиётган чоғ.

Яхши тушлар кўринг, ҳазрати инсон!
Яхши тушлар кўринг, эй дилбар аёл!
Яхши тушлар кўринг, она, отажон!
Ухланг мурғакларим, ширин, бемалол,

Яхши тушлар кўринг, ойдин кечалар,
Сизни ўйлаб яшар бу кўхна олам.
Сизни ўйлаб яшар неча-нечалар,
Сиз учун тайёрдир хатарларга ҳам...

Яхши тушлар кўринг, ойдин кечалар...

ВАТАНДОШЛАРИМГА

Ёнингизда турса кимдир жигархун,
Ташлаб қўйинг аста кўз қирингизни.
Жонимизга дармон шу Ватан учун,
Ватандошлар асранг бир-бирингизни.

* * *

Қора булут қоришиб,
Шивирлайди кўк майса.
Этакларинг ёришиб,
Шамол, шаъм ол шу лаҳза.

БАҲОР, МЕНИ ҚЎЙМА УНУТИБ

Баҳор мени қўйма унутиб,
Ёнингда лол, бахтиёр турсам,
Севинчимнинг қирғоғин тутиб,
Ўсиб ётган гулларинг терсам.

Нигоҳимда сузган ўрикзор,
Ўхшаб кетса оппоқ тушларга,
Қишдан зада қалбим интизор,
Сен чорлаган сайроқ кушларга.

Бойчечакдан чироқлар ёқиб,
Бинафшалар ёзса менга хат,
Камалақдан гулкамар тақиб,
Кунлар келса шоиста, гулқат.

Оқ булутлар армондек жилган
Чексизликлар қалбимга инса,
Дим шаҳар ҳам оппоқ очилган,
Елпиғичинг тутиб, елпинса.

Қизғалдоқлар титроғи дилим,
Қоқигуллар тўзғоғи дилим,
Рангин кўйлак кийган боғларда,
Сим-сим ёмғир тароғи дилим.

Мен ўтганда лолазорингдан,
Лолаларга тўкилса қалбим,
Лолаларга тўкилиб, осмон –
Фалакларга тикилса қалбим...

Баҳор мени қўйма унутиб...

ДЕРАЗАМНИ ЧЕРТГАНДА ЁМҒИР

Дерезамни чертганда ёмғир,
Тентиганда қирларда шамол,
Юрагимга нолакор танбур
Оташларин қуяр бетимсол.

Шамол билан тўла ташқари,
Баланд парда жонни тиғлайди,
О, юпун сир илтижолари...
Ёмғир ёғар, ёмғир... йиғлайди.

Уйғотмасин, о, бу эски дард
Мен қўрқаман, акс-садони.
Тоғ йиқилса, юқтирмаган гард,
Лек ноладан поймол гадони.

Дерезамни чертганда ёмғир...

ҚИШ ПАЛЛАСИ

Қиш палласи,
Жимлик алласи.
Киприklarда қотган марварид,
Узоқларда қарға галаси,
Деразага хуш боқар худуд.

Далаларда ором туйғуси
Шум кампирнинг этагидай кенг.
Дўлвор Аёз - чатнаган юзи,
Олов билан бошлайди гурунг.

Қатланади қалбимда қисса,
Изғиринда кезинар хаёл.
Секин титрар борлиқ - бир бўса,
Кумушланар уфқда хиёл...

2001

ҚОР

Туни билан ёғди ташқарида қор,
Дарахтларга узун эртақлар айтиб.
Оппоқ кенгликларга туташди шаҳар,
Бағрига бир гўзал кечмишлар қайтиб.

Омонат, бу оқлик менга омонат,
Бахтли тасодифдай дийдори тансиқ.
Ширин орзуларга қилмай хиёнат,
Қоплагай ер юзин шошилмай, босиқ,

Қўйнида юмшоқдир бир қаттиқ тошлар,
Япроксиз оғочлар – қўйнида – пари.
Эриса эрийди мисли кўз ёшлар,
Эриса эрийди меҳр сингари.

Туни билан ёғди ташқарида қор,
Оқарган йўлларга бўйлагим келди.
Қорнинг парчасидай енгил, беозор-
Боқишлар ҳақида ўйлагим келди.

Туни билан ёғди ташқарида қор...
Дилдаги азобли изларни кўмиб.
Таниш қадамларни кутди интизор,
Тонгда борлиқ оппоқ ўйларга чўмиб.
Туни билан ёғди ташқарида қор...

2001

ШАФТОЛИ ГУЛЛАБДИ

Шафтоли гуллабди...
Уйғон, эй кўнгил,

Қора қалдирғочга осмон интизор,
Оламга боқ, яшил туғён, эй кўнгил,
Қабарган сувларга кун акси- тумор,
Қабарган сувларга ой акси-тумор,
Шафтоли гуллабди,
Уйғон, эй кўнгил...

2000

МАРВАРТАК

Маварид тўкилар ипак дарахтдан,
Дилимга марварид орзулар тўкар,
Баҳорий шуъла ҳам кутмаган бахтдан,
Яшил пойандозга келиндай чўкар.

Дув этиб, шаббода бир елпиганда,
Қара, марваридининг кетди тирқираб,
Кўк кумуш ханжарин бир селпиганда,
Кўзингда ёшларми кетди ярқираб.

Марвартак, ашкингга дилим ботганда,
Билмам кимга, қўйнинг тўла марварид,
Марваридинг ишққа дилим тутганда,
Афсус, ишқи йўқлар этдалар харид.

Марварид тўкилар ипак дарахтдан...

2002.

ҚИШ МАНЗАРАСИ

Чўкиб кетди ерга япроқлар,
Қор мавжига кўмилди борлиқ.
Кеча бунда ёнган чарчоқлар.
Муз ҳавода чиқарар ҳордиқ.

Ўттиз йилким, сени оғушлаб,
Ёруғ кунлар бахш этган қуёш,
Нурларини музларга ташлаб,
Юрагингдан сўрайди оташ.

Қор қуйилар, Оппоқ учқуни-
Ялтирайди тун қучоғида.
Шохлаб ўсар сукунат уни
Катта йўлнинг икки ёғида.

1983.

ЎРИКНИНГ ГУЛИГА КЕЛГАН ШАМОЛИМ

Жилғалар боладай чопиб келади,
Ялпиз қиш эшигин ёпиб келади.
Турналар қалбимни топиб келади,
Ўрикнинг гулига келган шамолим.

Зебо тебрранишлар муяссар хилкат,
Базми висол аро севилган фурқат .
Аразлар этмоққа бермасми фурсат,
Ўрикнинг гулига келган шамолим.

Ўзингни таниб ол, шалола-лола,
Хаваскор юракли, минг торли нола.
Хандон сайёрада мажнунвор бола-
Ўрикнинг гулига келган шамолим.

Ўтга ҳам, сувга ҳам қоронғу ойдин,
Кўзи – Сурайёдин, киприги ёйдин.
Кўрғони шуъладин, кўзгуси-сойдин,
Ўрикнинг гулига келган шамолим.

Бир томчи шудрингдай лолу саргардон,
Олам гулқатида озурда бу жон.
Нафосат юкидан навалар ларзон-
Ўрикнинг гулига келган шамолим.

2002

МАНЗАРА

Гўё севганидан хижолат бўлиб,
Булут пардасига қиздек қочди ой,
Гулдондаги гуллар қолмишлар сўлиб,
Насим деразамни очар пайдар-пай.

Уни ёдга олиб, мен ошуфтаҳол,
Мени қийноқларга солди ишқ, афсус,
Булут пардасига бурканиб ҳилол,
Севилган қиз каби ҳижолат ҳануз...

2011

* * *

Кузнинг сариқ алангаси олган дилим,
Дарёми бу, шовуллаган боғлармидир,
Хазонларнинг гирдобиди қолган дилим,
Боғларми бу, ёздан қолган “оҳ”лармидир.
Ариқларнинг кўзгусига боққанча гул,
Қани менинг кўкламим деб йиғлармидир,
Депсинганда шамолайим минган дулдул
Отлар яшил майсаларни йўқлардир,
Хаволарда учиб юрган мезон ипи
Хаёлимни хаёлингга боғлармидир.
Ёйилганда далаларнинг олтин сепи,
Бу фасл не? Ўйчан, гўзал чоғлармидир.

2002

ҚЎҚОН ШАМОЛИ

Ташқарида Қўқон шамоли.
Гувиллайди, ненидир излаб,
Кенгликларнинг саркаш хаёли,
Томда юрар отларин тезлаб.

Гулханларни ўчирган шитоб,
Тарақлатиб очган ойнани,
Япроқларни, тез уч, деб қистаб,
Қизитгандир кум ўйинини.

Аллақандай ўқир дуолар,
Уйлар атрофида айланиб,
Ўқирганча пуфлар ҳаволар,
Дарахтларга қолар бойланиб.

Ваҳшийларча кулар увиллаб,
Югуриши тезкор - қуондай,
Юзимга урилар гувиллаб,
Юлқиб кетар сўзимни шундай.

Мени излаб келдингми, шамол,
Деразамни қоққандай бўлдинг,
Сочларини ёйган мажнунтол-
Тўлқинида оққандай бўлдинг.

Кенгликларнинг суронли қалби-
Шамолим, кел, бағримга босай.
Соғинганман яқин дўст каби,
Қанотингга кўшиқлар ёзай.

Қатингдаги майсалар бўйи-
Алла айтар юпанчларимга.
Дардларингни тинглаган кўйи-
Эшик очай қувончларимга ...
... Ташқарида Қўқон шамоли...

2000

ҚОРЛИ КУН

Бири бирин қувган зарралар ғужғон
Қиялаб келади ҳўл йўлакларга.
Тўшаги оппоқ тун бул кун ломакон
Бошин турар тутиб шўх элакларга .

Капалакдай енгил олмос зарралар-
Томлар, дарахтларга тутади оқлик.
Шохма-шоҳ юрар ел ва қор арралар,
Топгандайман бугун кўнглимдан тоғлик.

Зор тушар даланинг қор оғушига.
Яқину йироқда босилар сурон.
Қишлик чаманзорнинг тўп оққушига-
Ётолмай, чакиллаб томади армон.

Лабимда биринчи қорнинг бўсаси,
Оламнинг бағрига тўлгандайин кут
Оқ чиммат ёпинар боғнинг ҳар хаси,
Ўғлимнинг кўзида чақнар қора ўт.

1998.

КУЗ

Кузнинг сариқ алангаси олган дилим,
Дарё каби шовуллаган боғлармидир?
Хазонларнинг гирдобиди қолган дилим,
Боғларми бу, ёздан қолган оқлармидир ?...

Ариқларнинг кўзгусига боққанда гул,
Қани менинг кўкларим деб йиғлармидир?
Депсинганда шамол ойим минган дулдул,
Отлар яшил майсаларни йўқлармидир?

Хаволарда учиб юрган мезон ипи-
Хаёлимни хаёлингга боғлармидир?
Ёйилганда далаларнинг олтин сепи,
Бу фасл не? Ўйчан, гўзал чоғлармидир?

Дарё каби шовуллаган боғлармидир?...

2002.

ШУ БАҲОР...

Шу баҳор тутмади шафқатин дариғ,
Мендан юз ўгирган илҳом париси.
Тўлди-да бир мушкин ёмғирга борлиқ,
Етди димоғимга раънолар иси.
Зангори кўлдаин осмон беғубор,
Навбаҳор йўлига соғинчим сочдим.
Майса бўлиб унган умидларим бор,
Телба тўлқинларга танҳо сир очдим.
Куртақлар бағрига яширган маъво-
Меҳрига етарми олам-жаҳонлар.
Лойка изни ювди мусаффо ҳаво,
Сармаст-сумалакка етишган жонлар.
Дошқозондан тошган сумалак недир?
Қирларга ёйилган мунис бойчечак,
Момолар қалбида ўлмаган сурур-
Болаларга тубсиз, давомли эртак.
Бодом хосиятли тушин таъбири-
Оқ кўйлакни тонгдан айлайди қабул.
Шабнамлар мўлтирар-тугайди сабри,
Муаттар тугинни очсин атиргул.
Эшитиб гулдирак нидоларини,
Ўзанни тополмай жилғалар гирён.
Гуллаган ўрикнинг новдаларини,
Юзларига суртиб пичирлар осмон.
Кел-эй, кўхна Наврўз- соғинч-у наво,
Кишнаган тулпорлар, мушфиқ қалдирғоч.
Жафокаш ҳар кўнгил етишган сафо,
Муборақ-уйғонган ҳар гул, ҳар оғоч.
1993.

ГАРЧИ КУЗ...

Гарчи куз... Гарчи куз йўлимга япроқлар тўшайди,
Жавобсиз илтифот кимдандир ранжишга ўхшайди,
Қарама-қаршидир бу замон табиат ва орзу,
Шамоллар эсади, эсади, оғади тарозу.

Япроқсиз оғочлар ҳавасда япроғи борларга,
Япроғи борлари айланар маҳзуни торларга.
Эй юрак , булутлар ёпирилиб қайгадир чопганда,
Тўкилиб кетади соғинган манзилин топганда.

Булутлар юкидан нега сен, нега сен толғинсан,
Сўнги куй таратган, хазонлар ичра бир ёлқинсан.
Гарчи куз...

2002.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Лайлақлар сув ичган Ойдинбулоққа,
Булутлар термулар ойсираб.
Бир сигир оламни тутар сўроққа,
Туннинг деворига шохларин тираб.

Сукунат кўрпасин ухлар ёпиниб,
Супуриб қўйилган эшиқлар таги.
Ниҳоят тонг отар тиниқиб, тиниб,
Кимнинг куни туғар, кимнинг эрмаги

Кабоб ҳидин сезмай ўтар гузардан
Келинчак қўлидан ош еган йигит,
Бувак “инга”сидан бошлари осмон,
Бир уй тўла инсон бахт-ла бир вужуд.

Чойхона. Тўрт улфат баҳслашар тинмай,
Бузмай вақт амрига ҳеч пинагини,
Гап қизитар тинмай, ўзлари билмай,
Айлантириб ҳаёт ғилдирагини...

ТЕГИРМОН ОЛДИДА

Бетакрор қарашлар, ноёб ақллар,
Айланаверади оддий парракка.
Айланаверади тегирмон – йиллар,
Узаяверади йўллар – юракка.

РАМАЗОН

Рамазон ойи бу – нафсингни тийгин,
Иймон, эътиқодга фидо қил ўзинг.
Қашшоқ, бечоралар аҳволин туйгин,
Ризоли азобда очилсин кўзинг.

Рамазон ойи бу- тилингни тийгин,
Сенсиз-да ярали, оғриқли диллар.
Дунёда борлигин тушуниб ол сен,
Зарра кўполликдан жон берур гуллар.

Рамазон ойи бу-сен имтиҳон эт,
Мен зўрман деганинг эмасми гумон.
Рамазон ойи бу-бугун англаб ет,
Нафсинг эмасмикин энг катта душман?

Онангга, болангга озорларингни,
Англа-ю, юмшасин, йиғласин қалбинг.
Ахтар булоқларинг, анҳорларингни,
Силлиқ ўзанларга сиғмасин қалбинг.

Рамазон ойи бу –ўзлигинга қайт,
Инсофингга қайтгил. Кўрқкин худодан.
Иймонинг бут агар, шукроналар айт,
Қайтгин-эй, нолишдан, кибру хаводан.

Рамазон ойи бу-боқ мисли инжу,
Йўлингга учраган қумурска, тошга
Эй бандаи ожиз, ўзингмисан шу,
Дард чекиб, етишган олий бардошга

Кундан кун аъзам бўл, кундан кун азим,
Эгам пок ниятлар солсин дилингга.
Шафқат нурун тўксин, токи қилсин рахм,
Оллох гуноҳларга ботган йўлингга.

1992.

КАМ БЎЛАДИ БУНАҚА КУНЛАР

Кам бўлади бунақа кунлар,
Қуёш гўзал, ҳаво мўътадил.
Учраганлар-одамохунлар,
Боқишлари меҳрли оқил.

Аразлама афсоналардан,
Сени улар суяйди кўпроқ.
Кўнгил узиб кошоналардан,
Ҳорғин дилга ёқа ол чирок.

Майли сени ёмон десалар,
Ахир сенга аён ҳақиқат.
Ва жоҳиллар майли кулсалар,
Сенга тангри қилур марҳамат.

Ахтаради шеърият дархон,
Ҳайрат билан чок-чок дилни,
Ғирромларни танлайди даврон,
Абадият танлар покдилни.

Кам бўлади бунақа кунлар...

2010.

ДУНЁ

Меҳр-шафқат қуёши бўлсин,
Чечакларнинг сўлмасин, дунё,
Яхши ният йўлдоши бўлсин,
Фарзандларинг ўлмасин, дунё.

Кучлиларнинг қуроли - қудрат,
Кучсизларнинг қуроли - нафрат,
Иккисига тилайман шафқат,
Фарзандларинг ўлмасин, дунё.

2001.

КИБОРЛАР

Улар учун сен бир оддий ҳодиса,
Қизиғи йўқ эрмак, зерикарли тор,
Тушунар бошланмай гапинг ҳадисин,
Сезади, қалбингда қандай ўйлар бор.

Етиб бўлган улар аллақачонлар,
Сен етаман деган баланд чўққига,
Битиб бўлган бахтни, бор-да имконлар,
Киборлик ранг берган қорачиғига.

Улар ўз дардларин яшира олар,
Қалбининг тубига нақадар моҳир.
Улар юрагингга армонлар солар,
Сополни кўз-кўзлаб мисли жавоҳир.

2011

КЕЛИНЧАК

Ял-ял ёнган келинчак, дил сенга асир.
Сен-малика, куёв-шоҳ, тўйхона-қаср.
Саломлар қил, самовий нурлар қўлласин,
Момолардан қолган урф-сирлар қўлласин.
Ял-ял ёнган келинчак дил сенга асир.

Икки дилни пайвандлар сурнай навоси,
Ёринг бўлсин бир умр ишқинг фидоси,
Тўлғонади куй –қўшиқ, силкинар танлар,
Юракларни тарк этиб учар армонлар,
Ял-ял ёнган келинчак ,дил сенга асир,

Ўғил боққан унутмиш йиллар заҳматин,
Шафқат қил,кутиб яша ҳаёт шафқатин,
Назокатинг бебаҳо денгиз дуридан,
Қадамларинг нишона бахт суруридан,
Ял-ял ёнган келинчак, дил сенга асир.

Жаранглаган торларнинг энг жаранги –сен,
Оқ кўйлақда-гуллаган боғлар тонги-сен.
Бўйларингда-нигоҳлар. Қилгайлар дуо,
Шу хонадон дардига топгандай шифо.
Ял-ял ёнган келинчак, дил сенга асир.

Саломлар қил келганнинг ҳовли-маконга,
Жигарлар-у қўшнилари, лолу хонадонга,
Саломлар қил орзулар, оқ тилакларга.
Суйиб боққан чехралар, пок гўдакларга.
Ял-ял ёнган келинчак, дил сенга асир.
2000.

ОТА

Тонгда, ичкарида бир этак бола-
Орасида ота, Нонушта пайти,
Ўху-ўху йўтал-тонгга ҳавола,
Гўё кўп нарсани юборди айтиб.
Ана шу бир этак болани, ажаб,
Ота йўтали ҳам тургандай суяб.

2007

ЎША ТҶЙДА...

“Тўйда кўринмадингиз?” (Савол)

Ўша тўйда йўқ эдим,
Аммо кўнгли тўқ эдим,
Гарчи тўйда кўп одам,
Бешак унда эди кам-
Бир нигоҳ, бир ширин сўз,
Ҳамда ишончли бир дўст,
Баҳорнинг бир чакмоғи.
Даланинг бир сўқмоғи,
Эпкининг бир одими,
Меҳрнинг бир ходими,
Ёмғирнинг бир қатраси,
Уфқнинг бир атласи,
Камалакнинг хуш изи,
Осмоннинг бир юлдузи,
Ёшликнинг бир саволи,
Оқшомнинг бир хаёли....

2000.

АЁЛ ҲЙЛАРИ

(Халқ йўлида)

Тоқатларим тўқилса,
Қушлар қилсинлар хабар-
Тошюракли мардимга.

Юзимга ўт тикилса,
Кўзларимга бор хатар,
Илож бўлмас дардимга.

Кечикмай келсин, келса,
Кетмай қўлдан ихтиёр,
Хор этмайин ҳар кимга!

Тоқатларим тўқилса...
2001.

ОХУН МАДАЛИЕВНИ ЭСЛАБ...

“Онамнинг дуоси мени асрайди ”
“Бир куни келади, шахзодангни кут”
О.Мадалиевнинг кўшиқларидан.

Айланади жафокаш гардун,
Ўз жуфтини излар ҳар юрак.
Юлдузлардан тушда ким ёрин-
Қулоғига тақади зирак.

Қизик ўйин туюлса дунё,
Билинг, фирром усуллари бор.
Унда хоким-на бурч, на ҳаё,
Унда хоким найранг ва озор.

Шахзодаси келмас, некқадам,
Қизга душман қутқуни босиб.
Қолаверса, Охун Сизни ҳам,
Асролмади она дуоси...

2000.

ИЗЛАРИНГ

Неча йиллар аввал изларинг қолган,
Кўнглингга юмуш йўқ ўша манзилда,
“Япроқ”ларнинг қолган, хисларинг қолган,
Хушбуй ялпизлари кунчи соҳилда.

Нимдош чечаклар ним ранги-гуноҳинг,
Гуноҳинг-баҳорнинг безовта сели.
Йўқ эди на дўстинг, на бир паноҳинг,
Тўкилгач бошингга ўрикнинг гули .

Юмшоқ бўлдинг... исминг ҳижрон хатида,
Чечаклар кўзидан укдинг малолинг.
Укпар булутларниг зебо қатида-
Йўлингга нур тўкди олис ҳилолинг....
Неча йиллар аввал изларинг қолган..
1993.

* * *

Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасайдинг,
Дилингда оғриқлар турмасди балки.
Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасайдинг,
Кимдир сени четга сурмасди балки.

Йилларнинг қатида мардона яшаш,
Ва яна бир сиқим илтимос қолди,
Бир сиқим илтимос қилди дилни ғаш,
Ҳалоллик йўлига зўр ихлос қолди.

Ҳеч кимдан. Ҳеч нарса. Сўрама энди,
Энди ғалабалар шундоқ ҳам яқин,
Меҳр гулларини терарсан сен-да,
Кўлмак сув эмассан, дарёсан оқин.

2011.

МАНФААТ ПАРАСТЛИК

Манфаат парастлик илдиз отади
Дўстларнинг аёвсиз чехраларида,
Куннинг гардишдан чиқиб кетади.
Урина-урина севги беҳуда.

Юлдузлар осмонда, гавҳар тупроқда
Алданма, алданма, эй менинг бошим,
Менга дўст бўлмайди, керакли чоғда,
Ташлаб қочиб кетар ҳатто сирдошим.

2007.

* * *

Сўз билан кимларни суяётган-у,
Кимларни сўз билан йиқитиётган,
Сўз билан кимларни парвозга яна-
Йўллаётган бақувват одамлар аро
Қоқилаб-суқилиб кетмоқда ёлғиз
Бировнинг армонли ўйлари маъюс.

2007.

* * *

Зарар қилганим йўқ. Йўқ эди зарим,
Бой берганим дилга аҳд бўлиб қайтди,
Чеккан азобларим, машаққатларим,
Бугун қувонч бўлиб, бахт бўлиб қайтди,
Толъесиз севгидан куйиб яшардим,
Шеърлар битмагимга дард бўлиб қайтди.

2011.

* * *

Пулни маҳкам ушлайсиз, опа.
Дейди битта синглим, боқиб таънали,
Бўлганида балки ушлардим маҳкам,
Ҳозирча сабрнинг нозик ипига
Осилиб турибди
Залворли рўзғор.

2006.

КЎРИНИШЛАР

Олиб кўяди деб ишимни,
Ёвқараш-ла қарайди биров
Иши ўзига сийлов.

Қимматбаҳо пальто кийиб юради.
Шунинг —чун кўзлари қаттиқ, тошбағир.

Лолақизғалдоқдек омонат бирам,
Бирам майин,
Гуноҳкордек хоксор, камхарж.

2000.

* * *

Сирғалиб яшайсиз,
Сирғалиб,
Тегиб кетмай дея
Қовурғасига
Бу воқеликнинг.
Сирғалиб яшайсиз,
Авайлаб ҳавони,
Ўлиб қолмасин деб
Нафасингиздан
Ёлғоннинг
Анвойи капалаклари.

2007.

* * *

Ошиқма, шошқалок шарор, ошиқма,
Кимлардан қолмаган бу бор амаллар.
Очиқма, тўпори кўнгил, очиқма,
Сукунат остида ухлар шамоллар .

Бу кўхна дунёда хаёл-мусаввир,
Бу саҳна-дунёда алдар тасаввур.

2000.

ШОҲИМАРДОН

Сув балосидан асрасин
(Халқ мақоли)

Шоҳимардон, Шоҳимардон,
Сассиз келди бало, исён.
Қайда-омон, қайда –курбон.
Шоҳимардон, Шоҳимардон

Жаннат гўша, сел-бефармон,
Қайда-товоқ, қайда қозон.
Қайда-буғдой қайда-сомон,
Жаннат гўша, сел-бефармон.

Фожеа-дард, фожеа-сон.
Қайда қирғоқ, қайда-туғён.
Қайда-фарёд, қайда-имкон.
Фожеа-дард, фожеа-сон.

Чалинмаган тордай-армон.
Ором излаб келган ҳар жон,
Ул латофат этиб ҳайрон.
Чалинмаган тордай-армон.

Бир-бирига қўйилган кафт
Бири кетди, бири қараб,
Улгурмади бир сўз сўраб,
Бир-бирига қуйилган кафт!

Шоҳимардон, Шоҳимардон...
1998.

КЕЧИР БОЛАЖОН

Меҳр кўрмаган болага.

Шўхлигинг бетийик тўлқинларига
Тоқатсиз уйингни кечир болажон.
Бу тўлик катталар шовқини билан,
Роҳатсиз уйингни кечир, болажон .

Эртақлар айтмоққа, шеърлар битмоққа-
Фурсатсиз уйингни кечир, болажон.
Сен юрган покиза, нурли қирғоққа-
Хурматсиз уйингни кечир, болажон.

Уйинг бир қафасдир, сен эса - қушсан,
Ўтлар, чечаклардан йироқ - хомушсан.
Қўнғиз, қушчаларни танитай, ҳайрон-
Сихатсиз уйингни кечир, болажон.

Бошингда адашган бир куй сояси,
Кўз олдингда кимдир- пастлик дояси.
Бепарво кекирган хилқатнинг саси,
Сенсан-ўйлаганим, сен-ҳимоясиз-
Уятсиз уйингни кечир-болажон.
1992.

КЎКДА ЭСА КЕЗАР ОҚ БУЛУТ

Ким гул терар, ким пул ахтарар,
Кўкда эса кезар оқ булут,
Қара, инсон, дилингда не бор:
Бамисоли сезар оқ булут.

Пулни ўйлаб қалбингда доғлар,
Асрамайсан юрагингни ҳеч,
Бу бетакрор баҳорий чоғлар,
Бу-сен учун булутли севинч.

Ўйигирма бир-аср. Кўп сурон,
Ишқ китоби бўлган ўқилиб.
Вақтнинг тешиқ чўнтақларидан
Тангадай нур борар тўқилиб.

2007.

МУВОЗАНАТ

Наърали шамоллар эсар,
Мувозанатни сақла,
Муҳими- мувозанат,
Йўлингни аблахлар кесар,
Мувозанатни сақла,
Муҳими-мувозанат.
Дор тагида турган Машрабга.
Тиржайиб боққан баттоллар.
Тиржайиб боқар сенга,
Мувозанатни сақла,
Дорда югурган дорбоз,
Маҳкам тут лангарчўпни,
Мувозанатни сақла.

2006.

СЕН ТАН ОЛГИСИ КЕЛМАС БУ МАНЗИЛ

Сен тан олгиси келмас бу манзил,
Ёғдираверади таъналарини.
Жиддий сўзлар бўлсанг, қилгайдир ҳазил,
Тушунмас ҳазилинг маъноларини.

Ширин сўз истаган дилингга бир-бир,
Ширинсўз “қамчилар ” тушади хандон.
Меҳмон, дўст истаган дилингга бир-бир,
Меҳмондўст “қамчилар” тушади хандон.

Офтоб кулиб турар бундай маҳаллар,
Қушлар сайраб турар бундай маҳаллар.
Гуллар билиб турар бундай маҳаллар,
Кимдир яйраб турар бундай маҳаллар.

Тўйхоналар жўшқин бундай маҳаллар,
Қадамлар-чи шошқин бундай маҳаллар
Одамлар кўп иноқ бундай маҳаллар.
Либослар эса оқ бундай маҳаллар.

Чекинар ул гўзал оқида шу дам,
Қолади муштипар, заиф бир аёл.
Лабларингда қолмас эзгуликдан таъм,
Чекинар бир шамол. Кучли бир шамол.

Қаварган юрагинг ўпади кеча-
Тушингга киради йироқ бир манзил.
Унда оймомодан ёғади қулча,
Кўкларга учирар оппоқ бир ҳазил.

Сен тан олгиси келмас бу манзил.

1992.

ОДАМЛАР

Турмуш ташвишларидан
Бўйнингда бор бир занжир,
Имконсизликдан чандон-
Оёғингда тушов бор .
Сен-ла кимнинг иши бор,
Сен-ла кимнинг иши бор?

Машаққатлар, озорлар,
Сенга заҳар тутади,
Юрагингни маккорлар
Тириклайин ютади,
Сен-ла кимнинг иши бор,
Сен-ла кимнинг иши бор?

Яқининг боқмас қиё,
Дўст қолмайди ёнингда,
Дилингни қилиб сиёх,
Дард кўзғалар танингда.
Сен-ла кимнинг иши бор,
Сен-ла кимнинг иши бор?

Пули йўққа пул тугул
Илиқ сўз ҳам нораво.
Дардга даво бор минг хил,
Унинг дарди бедаво.
Сен-ла кимнинг иши бор,
Сен-ла кимнинг иши бор?

Бахтинг гули кулганда,
Келади меҳрибонлар,

Йўлларинг очилганда
Яқин келар осмонлар.
Ҳамма сени ўйлайди,
Сенинг дардинг сўйлайди.

2010

ДУНЁНИНГ ҲАСРАТИ

Дунёнинг ҳасрати- қора кўзингда
Дунёнинг ҳасрати- соғинчдир асли,
Бировдан топилмас, не йўқ ўзингда,
Бу- соғинч излаган фароғат фасли.

2002.

ТУРМУШ БУ

Йиғиштирдинг нарсаларингни,
Бу уй сенга туюлар тузоқ,
Ювиб кетгин косаларингни,
Ортингга йўл? У жуда узок.

Яхшилигинг тушунмадилар,
Зукколигинг топмади кадр,
Сен беҳабар қанча кўп ошкор,
Бош кўтарди энди бирма-бир,

Ўзингдан ҳам ўтгандир хато,
Буни сезмас ҳали ёш ақлинг,
Ҳаёт сабоқ бергунича то
Ташвишларга дуч қилгай жаҳлинг.

Ўйланасан, кўзларингда ёш,
Урилади ўйлар деворга.
Айри тушмоқ-йўқ бунга бардош,
Чидолмайсан қолиб, озорга.

Кеча бахтли эдинг ва шодон,
Бахтинг эди ҳаётдан тортиқ,
Энди эса ўз кўлинг билан
Бахт яратгин ундан ҳам ортиқ.

Ҳаддан ошди нозинг ҳам ахир,
Ўхшаб кетди беҳурматликка.
Жавоби ҳам бўлди-да тахир,
Юрагингга солди таҳлика.

Дони эмас, турмушнинг баъзан,
Кўринади фақат сомони,
Ҳамма-ноҳақ, бир ўзим ҳақман,
Деб ўйлашинг, бил энг ёмони.

Вужудингда аламлар тўла,
Алам бор-а, умид ҳам бор-ку,
Азизим.сен умидни қўлла,
Ахир усиз дунё ҳам тор-ку.

Йиғиштирдинг нарсаларингни,
Бу уй сенга туюлар тузоқ,
Ювиб кетгин косаларингни,
Ортингга йўл? У жуда узок.

2011.

БЕМАЛОЛ ЯШАШГА АРЗИЙСИЗ

Бемалол яшашга арзийсиз,
Турфа шодликларни кучоқлаб,
Номардлар ҳақида дард-ўйсиз,
Ёмонлар тилагин пачоқлаб.

Азоблар оралаб юрдингиз
Туртиниб –суртиниб, кўп узоқ
Иссиғу совуқни кўрдингиз,
Қалбингиз ўртанди беадоғ.

Баъзан бир совуқ сўз захридан
Сиз учун туюлди дунё тор.
Ўтдингиз оромлар баҳридан,
Баъзида қолдингиз хор, ночор.

Ҳолбуки арзийсиз яшашга-
Чўчимай ҳеч кимдан, бемалол.
Кимнидир “аблах” деб аташга,
Бахтингиз асрашга безавол.

Кўчалар бағрида яйрашга,
Бошдаги оқ рўмол ҳилпираб,
Душманга жилмайиб қарашга,
Чироқлар ёнганда парпираб.

Фарзандлар захмати ёнига,
Албатта берилган фахрлар,
Киргансиз яхшилар сонига,
Сизга ҳеч ўтмайди захрлар.
Бемалол яшашга арзийсиз.

2009.

* * *

Умр - учқур арғумоқ,
Тиним билмай елади.
Ўлим тасодиф бироқ,
Кутмаганда келади.

ТИЛАК

Мартабангиз улуғ бўлсин-у,
Очиқ бўлсин қалбингиз кўзи.
Уйингизга буғдой тўлсин-у,
Инсоф берсин худойим ўзи.

* * *

Эй вазмин дарёлар, эй босиқ тоғлар,
Қамраб ололмайди сизни нигоҳлар.
Қамраб ололмаса сизни нигоҳлар,
Сизни айбламасин айрим гумроҳлар.

* * *

Сенга йўл берганни четга итариб,
Қайга ошиқасан, эй ғофил инсон?
Сенга гул берганни этибон ғариб,
Қайга ошиқасан, эй ғофил инсон?
Кўзингни очганнинг кўзига шошиб,
Тупроқ тўлдирасан, қайга шошасан

* * *

Йўлинг тўсар, кўша сим бўйлаб –
Мангуликка югурган наво.
Вафодан кўкариб чиққан хиёнат,
Хиёнатдан кўкарган вафо.

МАШАҚҚАТ

Қанча қисми тақдирнинг иши,
Қанча қисми ғўрликнинг айби.
Қанча қисми ҳақнинг Хоҳиши,
Қанча қисми зўрликнинг айби

* * *

Ахир мен ҳам кўрсам бўларда,
Ҳақиқатнинг чарос кўзларин,
Унда митти гиёҳ сўларди,
Ичга ютди шамол сўзларин.

Майдалади қалбимни турмуш,
Ҳар порада қориннинг дарди,
Гиёҳ сўлмиш-шамол кўрар туш,
Юрагимга тўкилди гарди.

Ахир мен ҳам кўрсам бўларди,
Ҳақиқатнинг кўзларин. Дардим...

2002.

СИЗГА НИМА БЎЛДИ, ОДАМЛАР?

Сизга нима бўлди одамлар,
Дўстингиздан бунга кўрқасиз.
Тарк этади кўп яхши дамлар-
Дўстсиз қолиб. Бир кун кўрасиз.

Сизга нима бўлди одамлар?
Нафрат кимга ва нима учун ,
Қайга кетди файз-у оромлар,
Қалбингизда бунча кўп тугун.

Сизга нима бўлди одамлар?
Омонатга бунча қизғониш?
Бунча қийин бермоқ ёрдамлар,
Наҳот сизга ҳиммат нотаниш?

Сизга нима бўлди одамлар?
Бунча мақр қилмасми кўплик?
Бир кун гулламаса бодомлар?
Қуласа-чи оқибат-кўприк?

Сизга нима бўлди одамлар?

2003.

ПУЛ КЕТИДАН

(ҳазил)

-Ота, Сизга бор саволим,
Бойиб кетсак, шу хаёлим,
Муродига етади ким,
Пул кетидан қувса ҳамма?

-Биров бировга боқмагай,
Қуруқ сўз дилга ёқмагай,
Ҳар ким берганни ёқлагай,
Пул кетидан қувса ҳамма.

Нарх бир сакраб, бир тушади,
Тирикчилик тош тешади,
Зар билан зўр тешишади
Пул кетидан қувса ҳамма.

Кимки устакор бўлмаса,
Жиндай мақри бор бўлмаса,
Мен кафил абгор бўлмаса,
Пул кетидан қувса ҳамма.

Бойлик кимнинг доясидир,
Бойлик кимнинг соясидир,
Бойлик кимнинг қоясидир,
Пул кетидан қувса ҳамма.

Кимдир яшар ҳайрат билан,
Кимдир яшар ҳасрат билан,
Кимдир яшар ғайрат билан,

Пул кетидан қувса ҳамма.

2000.

ДАРД

Дунёнинг дардларин оласан, лекин,
Сенинг ҳолингни бир сўрамайди дунё,
Дилинг туғёнларин тинглайди текин,
Юпун қиёфангни кўрмайди дунё.

Елкангда тоғдай дард, сезмас бири ҳам,
Ўзи билан ўзи банддир кун-у тун,
Ҳаммани аяйсан, қаттиқ ерни ҳам,
Ерга қўёлмайсан дунё дардини.

Бир умр опичлаб ўтасан шундай-
Ўша катта дардни ҳам ёз ҳам қиши.
Дунё,-дейсан толғин, бахт ҳам бер жиндай,
Елканг банд, қўнолмай кетар бахт қуши.

2002

ЧОЛИҚУШИ

Мен ўша-мағрур қиз. Мен-Чолиқуши,
Авайлаб юрдим мен ҳўб эртақларни.
Юлмадим, тескари келганда тушим,
Хаёлим тўкилган гул-чечакларни .

Эртақларни ичиб қўяркан ҳаёт,
Уларни тўқимоқ учун шайландим.
Этган дам қоронғу дилларни обод,
Балки афсонага ўзим айландим.

Ҳаёт, кўчаларинг кўп экан бунча,
Унутдилар охир мени яқинлар,
Олам этагида бир гули ғунча,
Ноилож юз тутдим, чакса чақинлар.

Ошиқ тушунмаган бу қайсар қизни,
Нотаниш бир олам англади, шукр.
Ҳалоллаб еганлар нон ила тузни,
Куч олар недандир-бордир бунда сир.

Мени сен асрадинг ахир мушкул дам,
Қошингда чекинди заифлик, завол.
Тоза юракларни асрагил мудом,
Гулу чечакларга тўкилган хаёл.

1991.

СЕВИШГАНЛАР

Самога талпинган икки навниҳол,
Ёғдуга интилган икки парвона.
Жаҳон айвонида икки гулхаёл,
Қалбингиз титроғи ишқдан нишона.

Дунё кўп кўхнадир, у кўпни кўрган,
Кимгадир бол тутган, кимгадир заҳар,
Бировни дуч қилиб, кимни айирган,
Севги унинг учун ўйинчоқ магар.

Сиз унинг макридан сақланинг омон,
Жонингиз қолмасин андуҳ комида.
Сизга гуллар тутсин замин-у замон,
Оғу ичманг асло ишқнинг жомида.

2002

МАРДОНАЛИК

Бу дунёда қўймас ғовлар.
Асло майда бўлмоққа,
Махкумдирмиз ютиб заҳар,
Шира билан тўлмоққа.

Ҳаққимиз йўк.....
Зарбалардан ўзни асраб,
Йўлимиздан қайтмоққа.
Ўнгга қараб, сўлга қараб,
Думбул сўзлар айтмоққа.

Кўздан ёшлар тўкмоқликни,
Қилолмаймиз ҳавас ҳам.
Ўйламаймиз чўкмоқликни.
Асрар бизни бир хас ҳам.

Ҳар қадамда яроғлар-шай,
Ғалабадир ҳар нафас.
Гарчи дилда куйлайди най,
Қаршимиз-тиғ, олмос.

2000.

ЭРКАКЛИ УЙ

Эркакли уй. Осойишта субҳ,
Ой нуридан кўнгли тўқ кеча.
Ва аёвсиз дунё билан сулҳ,
Ва кўзларнинг сўзи бир неча.

Эркакли уй. Эркнинг далдаси,
Интиқ дилни сипо эркалаш.
Ва аёлнинг босиқ хандаси,
Дастурхонда совимаган ош.

2001.

БУ БОҒНИНГ ГУЛЛАРИ

Бу боғнинг гуллари тозадир.
Нега ҳам ақлдан озадир?

Бандига ел армон осадир.
Баргига ишқ хўрлик ёзадир...

Бу гуллар туш тула косадир...

Бу боғнинг гуллари тозадир,
Нега ҳам ақлдан озадир?

1993.

ҚИЁФА

Азизим, маккорсиз,макрингиз кучли,
Хар бир қадамингиз кимгадир тузоқ.
Биламан, арслондек қалбингиз ўчли,
Не ишлар сиз учун ўйин, оқизок.

Гўзаллик оламин сарҳадларига,
Сукунат чўқади қарашингиздан.
Таъмагир мурувват саватларига –
Дур тўкар юпунлик. Қўрқади сиздан.

Сўзингиз пурмаъно, либосингиз-гул,
Хаётда борингиз ҳисоб-китобли.
Ғалабани ўйлаб яшайсиз нукул,
Фақат унутмишсиз, дунё-ҳисобли.

2000.

АЁЛ

Бу тилло остона, бу тилло “кишан”
Яшолмас қақшатмай жонингни бир кун,
Емрилган шу сабринг уларга нишон,
Яшайсан, қучоқлаб зулм оёғин.

Тўлмайдди рўзгорнинг тубсиз косаси,
Кўзингда бир куннинг ташвиши-тубсиз,
Йўқчилик - ҳаётнинг беғам боласи,
Полопон юрагинг боғлайди ипсиз,

Ярим ҳақиқатлар қошонасида –
Суяксиз жабрга ўтмайди тишинг,
Маъсум туйғуларинг пешонасида-
Қақраган чўл кўриб учади ҳушинг.

1992.

БИР ЛАҲЗА СУҲБАТ ҚУР МЕН БИЛАН

Бир лаҳза суҳбат қур мен билан...
Силкинсин қалбимга чўккан тоғ,
Кенгликлар сари юр мен билан,
Чалар ҳув лолалар қўнғирок.

Гулбахор изларин соғиниб,
Чайилдим зангори хаёлга,
Бетаклиф йилларга юкиниб,
Ухлаган боғларим- Шамолга.

Сурмаранг оқшомлар, ошиғим,
Дардларинг сойларда тўлғонар,
Майсалар бағрида- қўшиғим,
Бошимдан рўмолим сирғалар...

Бир лаҳза суҳбат қур мен билан...

2000.

ЁРИМ (Халқ йўлида)

Отингиз елдираб келасиз ёрим,
Кўнглимни тўлдириб келасиз ёрим,
Кимларни яшнатиб, яшнаб келасиз,
Кимларни сўлдириб келасиз, ёрим.

Дарвозани очиб, учиб чиқарман,
Ёрим, гуноҳингиз кечиб чиқарман.
Узоқ боғлиқ турган кўнгиб тулпорин
Жиловин бесабр ечиб чиқарман.

Ёрим-а, қучсангиз бир даста гулман,
Қадди-бастингизга пайваста, хилман,
Йўлингизда ҳижрон захрини ютган,
Ўзини унутган бир қирққокилман.

Кўзингизда ишқим савдоси борми?
Айрилиқ азобин давоси борми?
Бу баланд кўнглимни фидо айларга
Кўнглингизнинг зори, нидоси борми?

Ёр дедим, кўзимда ёшим шашқатор,
Ҳар томчи ёшимда сувратингиз бор,
Қийноқларга ташланг, лекин ташламанг,
Сизсиз толеимга дунё қургай дор.
Отингиз елдириб келасиз, ёрим...

2002

СИЗСИЗ МЕН БИР ХАСМАН...

Сизсиз мен бир хасман, куриган бир барг,
Мунғайиб яшарман сиздан йироқда.
Бахтиёр кунларим этиб кетса тарк,
Сўлмасми юрагим ғамда, фироқда?

Атрофимда баҳор мунис куй чалар,
Шаббодалар кезар етти иқлимни.
Осмонимга қайтмай қўйса турналар,
Қандай овутарман ўксик дилимни...

2000.

* * *

Қушдай бир юракка қўйдим домимни,
Шу икки елкага ортдим ғамимни
Безовта тўлқинлар чайқалиб тинди,
Булут сузиб кетди. Олам хўрсинди.

Бағримдан отилиб чиқди ингроқлар,
Бирдан жавоб топди барча сўроқлар .
Фасллар бир зумда ўтди алмашиб,
Макру ҳийла қолиб кетди адашиб...

2000.

ҚИШ ҚОРА СОВУҒИН...

Қиш қора совуғин синовлари бор.
Лек кўнгил... бир илиқ сўздан бахтиёр,
Мовийлик ахтариб, кезиб сарсари,
Изғирин шамолинг топгани ҳам қор.

Оқ мрамор осмонга боқаман беун,
Мен қачон яшадим, кўрдим ёруғ кун?
Дилимда наволар музлаган лаҳза,
Ахир Сиз келдингиз... бахт бермоқ учун.

Қиш қора совуғин синовлари бор.
Лек кўнгил... бир илиқ сўздан бахтиёр.

2000.

СУЙГУЛИГИНГ

Суйгулигинг-осмон синглиси,
Тутолмайман нолон торини.
Манзилингда райҳонлар иси-
Тўсди ишқим ихтиёрини.

Сархуш симоб-югурик орзу,
Чорраҳада на сен, на бўрон.
Япроқлар ишқ-беканинг арзи,
Япроғи йўқ имкон саргардон.

Ситамгарман сўнгни томчидек,
Қушуйқу бир дуторим бўлса.
Сор бургутнинг кенг қулочидек,
Қулочимга узрлар тўлса.

Тошлар чўкиб кетган кўл ёниқ,
Хаёлларни чайқатди дилхуш.
Ўша эди зангор хўрсиниқ,
Ерга сочиқ бир синиқ товуш.

Ҳавойидир хастадил ҳасрат,
Ҳар гўшада қийқим қасирға.
Бегонами-ой акси карахт,
Ёнбошида-олтин исирға...

Суйгулигинг-осмон синглиси.

2000

ЎШАНДА

Ҳамма нарса келгусида эди:
Бахт, оила, касб, мартаба, шуҳрат.
Қирлар, Мунис чечакларнинг ҳиди,
Бағрида биз бўлган тақдир-суврат.

Узун кўчапардан бораётиб,
Сен тингларкан қалбим унларини,
Кузнинг аччиқ шаробини тотиб,
Биз йўқотдик севги кунларини.

Ҳали тили чучук, мурғак севги-
Унларини англамадик чоғи.
Ё англашни истамадик. Нега?
Бир-биримиз кўзимизга боқиб.

Бир пўртана келди, кетди ювиб,
Ёшлик боғин, шаффоф орзуларни.
Сен бир ёнга кетдинг бахтни қувиб,
Қуволмадим дилдан туйғуларни.

Келгусида эди бутун ҳаёт,
Талабалик. Хизмат. Алам. Йўллар.
Ёлғизликдан кетолмаган сабот,
Ёлғизликка дучор бўлган гуллар.

1983.

ЖОНИМДА ОЛОВЛАР...

Жонимда оловлар ёқаётир куз.
Қалтираб турибман япроқ сингари ,
Ойнинг нурларига чўмганча ёлғиз,
Бир дарахт турибди манглайдан нари.

Ёмғир томчилайди. Ювилмайди ранж.
Қийноқ бўлиб яшар жисмимда номинг.
Остонада дилгир киролмай юпанч,
Келтирмади еллар тафтли саломинг.

1990.

ИШҚИМ МЕНИНГ

Ишқим менинг саргардон ишқим,
Мажнунларнинг қувғинди руҳи.
Бу дунёда омонат кўшқим,
Биёбоннинг азал андуҳи.

Бегонадир сенсиз сайёра,
Сенсиз орзу нақадар арзон.
Мен овора, сабрим овора
Бошим узра чеки йўқ осмон.

Даргоҳлардан қувилган оху,
Самоларга кўчган оқ булут.
Мажнунларнинг саргардон оҳи,
Тут, қалбимга изтироблар тут.

Ишқим, менинг саргардон ишқим.

2000.

ХАТНИ АНГЛАШ

Типирчилаб қолдинг, юрагим, ногоҳ,
Ўқ теккан қуш каби ярадор, забун.
Наҳот энди сенга нолалар ҳамроҳ,
Наҳот алданганинг бўлиб чиқди чин.

Наҳот ови бўлиб қоласан энди,
Аччиқ аламларнинг. Шодликдан кечиб,
Бахт кўкига назар соласан энди,
Ўт бўлиб ёнганча, рўёни кучиб.

О, менинг юрагим.ярадор қушим,
Энди парвозларга ярамикансан?
Эшитсанг ҳам энди чорлов товушин,
Энди бош кўтариб қарармикансан...

2011

АЛЁР

Сиз билан орамиз шунчалар узоқ,
Минглаб кунлар, минглаб тунчалар узоқ.
Мендан гуллар узоқ, ғунчалар узоқ,
Энди Сизга алёр муборак бўлсин!

Сояси бошимга тушмаган дарахт,
Меваси қошимда пишмаган дарахт.
Хазонимга хазон қўшмаган дарахт-
Энди Сизга алёр муборак бўлсин!

Танимга камалган қулимдир соғинч,
Илинжи кўмилган тулимдир соғинч.
Манзилимдир соғинч, йўлимдир соғинч,
Энди Сизга алёр муборак бўлсин!

Бир марта тўлмаган ойим саргардон ,
Бир марта тўлмаган сойим саргардон.
Бир марта учмаган ёйим саргардон,
Энди Сизга алёр муборак бўлсин!

Ҳаволаб учганда, ҳаво алдади,
Тингладим, булбулигўё алдади.
Балки кўзлардаги маъно алдади,
Энди Сизга алёр муборак бўлсин!

Бир юзинг авради, бир юзинг тонди,
Дилим оғриғига бир юзинг қонди.
Танимда, қонимда бир ўт уйғонди,
Энди Сизга алёр муборак бўлсин!

Келмаган йўллари́нг бамисли илон,
Тутмаган гуллари́нг уфқим қилди қон.
Айтмаган сўзингдан жоним беомон,
Энди Сизга алёр муборак бўлсин!
Энди Сизга чин ёр муборак бўлсин!

1993.

АВРАР САРОБ...

Аврар сароб...

Боғларимни этар хазон,
Хазон бўлган боғларимда қушлар нолон.
Борар-келар бу йулларда қашқир дархон.
Борар-келар бу йулларда гуллар хайрон.

Аврар сароб...

Бу кумларни учирмагил,
Қодир шамол,чилпарчиндир тонгим тахти,
Садоларим хатоларга қўчирмагил.
Сочим аро яширинмиш туннинг бахти,

Аврар сароб...

Очирмас-ей кўзимни ҳеч,
Тилагани-ёлғиз ойнинг нолалари.
Қаноатлар чўкиб қолган бир кулдиргич,
Азобларнинг куйдирмажон лолалари.

Сароб аврар...

Ёвдир бу кун гуноҳларим,
Бир парча дил бор дунёни айлар - ғорат.
Жимликнинг тош деворлари-гувоҳларим.
Музликларда музлаб ётар икки қанот.

Сароб аврар...

Юрагимда бир из бор-зил.
Ўшал изнинг даргохида-гар унутман,
Аҳдин тутиб туrolмайди мингямоқ дил.
Қандай ёнмай, мен ҳам ахир тирик ўтман.

Саров аврар...

Жилғалари жимир-жимир.

Дарёларнинг қирғоғида ташналабман.

Югураман, жоним бир тош, жоним темир.

Югураман, кўкларнинг ранги сомон.

Аврар сароб...

2000.

МЕН ДАРДИМНИ ИЧИМГА ЮТАЙ

Мен дардимни ичимга ютай,
Сизга халал бермасин асло,
Борлигингиз энди унутай,
Кутсин мени айрилиқ фасли.

Бедардларга бўлиб томоша,
Изингиздан қолмай термулиб,
Таққирлаган,ёв йиллар оша
Тақдиримга боқай мен кулиб.

Мен севгимни ичимга ютай,
Ёрингиздан кетин хавотир,
Тўрт деворга қалбим беркитай,
Чил-чил синсин ойнадай хотир.

Оғриқларга ўрганади дил,
Мен томонга қараманг майли.
Сизни эсдан чиқарсам буткул,
Балқиб чиқар офтобим ҳали.

2007.

ЭҲТИМОЛ ЭСЛАРСИЗ...

Эҳтимол эсларсиз: эринчоқ бир тун.
Титроқ юлдузларнинг эрирди нури.
Қоронғу тун эди: нурга ғарқ ботин-
Эшитилар эди юрак гупури...

Чаларди чирилдоқ оркестрлари-
Йироқларда битта куйни узлуксиз.
Талпиниб интизор юраклар сари-
Юлдуз ёғиларди самодан чексиз.

Бериё боқарди зим-зиё атроф,
Ҳам қулоқ соларди юрак розига.
Сафоли тун эди, ҳаволари соф.
Бир тун эди, мафтун ишқнинг созига.

Эҳтимол эсларсиз, эринчоқ бир тун.

2011

ҚАЛБИНГДАН ҲАМ ЙИРОҚ

Қалбингдан ҳам йироқ нима бор эди?
Ундан яқинроқдир балки юлдузлар.
Қалбингдан яхшироқ нима бор эди?
Қоплаганми уни энди, айт музлар.

Қалбинг ўтрисида топдим ўзимни,
Ҳам уни йўқотдим, ҳам ўзни кейин.
Яшаркан тўлдириб фироқ қўқсимни,
Дардлар манзилида тош қотдим кейин.

Нима ҳам бор эди қалбингдан йироқ?
Кўзим йироқларга термулди мудом.
Нима ҳам бор эди ундан яхшироқ?
Бунча ёмон қилди айлаб мени ром...

2011

ТОШКЕНТ ЁМҒИРИ

Тушларимда куйлар Тошкент ёмғири,
Савдойи ёшликнинг тор йўлларида.
Мен содда талаба қизларнинг бири
Унга жўр бўлмоқни этолмам удда,

Тушимда, ҳа, ўша сўлим хиёбон,
Юзларимни ёмғир ювар дамо-дам.
Хув, олисда хаёл кезар саргардон,
Аслида излаган бахтим - бир қадам.

Борлиқ пичирлайди ненидир титраб,
Бинафша, ялпизлар бўйидан сархуш.
Ёмғирли Шош қолар, қалбим зирқираб,
Кетарман, бир умр кўрмоқ учун туш.

Ёмғирда ювилиб кетар бир жуфт из,
Ўксиб-ўксиб йиғлаб, овунар само.
Билмасман, мен содда, талаба бир қиз,
Нима бу? Бу Тошкент ёмғири нима?
... Тушларимда куйлар Тошкент ёмғири.

2000

ЎША КУН

Менинг кўнглим бор эди сенда,
Сенинг кўнглингбор эди менда.
Ўша видолашув кунидан
Кўнглим менга бир зил юк энди,

Бизнинг орзу-истакларимиз,
Ҳаёт учун бўлди оқизоқ,
Ожиз қолди дастакларимиз,
Кечир умрим, йиғладим узоқ.

Бугун олис-олислардасан,
Кўп узоқмас гарчи масофа.
Нега ҳамон сен ҳислардасан,
Нега кетмас кўздан қиёфанг?

Гарчи қутқу солар жонимга,
Хотиралар эзар тун билан,
Қайтолмассан, ахир, ёнимга-
Ўша қуёш, ўша кун билан.

2008

* * *

Хаёл эзар. Оғринади мағрур юрак,
Нега мени ўз измига солди ўкинч,
Қани ўша гўзал борлиқ - яшил куртак,
Қани ўша остонамни ўпган ўтинч.

Қучоқ-қучоқ лола истаб забоним лол,
Хаёл, сўзла, қайда қилган эдим хато.
Бу бир савол, ўтган умр бу бир савол,
Сотилмаган виждон магар ўтмас мато.

Қарқуноғим.қўлдан учган қарқуноғим,
Сени тилаб, сендан қочар кўнглим, нетай,
Хаёлларнинг гирдобиди қолган чоғим,
Қуйларингнинг титроғига қандай етай?

Ёлғиз бошим ёмон ўйдан қизғонаман.
Ёт қўлида табассум-ла ўлди орзу,
Барги сарик кузак ичра уйғонаман,
Куз ўйидан қутқар мени, баҳор арзи.

Қуйларингнинг титроғига қайдай етай...

2008

ҲАСРАТ

Кўрганимда бир чинордек яшнаб турсанг,
Тўкис кечган ҳаётингнинг завқин сурсанг,
Давраларга ёринг билан бирга кирсанг,
Мен не билан овутайин юрагимни.

Сухбатларнинг ним тагида шахсинг турса,
Қай тарафга назар солсам, аксинг турса,
Қулоғимда элас-элас лафзинг турса,
Мен не билан овутайин юрагимни.

Бу ҳаётнинг майдонида яшадинг мард,
Сен ундасан, мен бундаман ҳамон гарчанд,
Менга шунча машаққатлар бермади панд,
Мен не билан овутайин юрагимни.

Истагансан балки шундай қийналмоғим,
Сенга қаттиқ сўз-ла озор берган чоғим,
Бу ҳаётда топилмади ишонч тоғим,
Мен не билан овутайин юрагимни.

Осмонларда чакнаб турар олис юлдуз,
Умрим аро гўзал тонглар очади юз,
Дерлар, дайди хаёллардан кўнглингни уз,
Мен не билан овутайин юрагимни.

Мени балки унутгансан аллақачон.
Балки мен ҳам унутардим, бўлса имкон,
Шунчалар ҳам бўладими дард бедармон,
Мен не билан овутайин юрагимни.

Сендан кетиб, этагимни ситам тутди,
Бўйларингга бўйлаб-бўйлаб йиллар ўтди,
Берган гулинг кунларимнинг рангин ютди,
Мен не билан овутайин юрагимни.

Мени асраб айрилиқнинг кишанида,
Қанот қоқар қалбинг бахтнинг чаманида,
Бағрим тиғлаб яшаб жаҳон айвонида,
Мен не билан овутайин юрагимни.

2010

НАСТАРИНЛАР

Настаринлар гуллаб бўлди дарё томонда,
Сафсар-кулранг тусга кирди йироқ-йироқлар.
Алвон уфқ этагида феруза тонгда
Шамолларнинг нафасидан сарғайди боғлар.

Ахир ким ҳам ўйлаганди шундай бўлар деб,
Бизни дийдор ёғдулари тарк этди, Шундай !
Бир ён ҳаёт гирдибоди, дардлар бир ёнда,
Тақдир ҳукми қайтиш йўлин беркитди. Шундай !

Кучлиларнинг қароридан заифланди дил,
Эски дардим эскирмади, эсиз о, умр.
Ахир ким ҳам ўйлаганди, қандайин мушкул,
Бошқа изда қалбсиз яшаш, яшаш беҳузур

Настаринлар гуллаб бўлди дарё томонда...

ЯШАЯПМАН

Яшаяпман кўзимни юмиб,
Қарамасдан тақдир кўзига,
Эсимда йуқ келганим кўмиб,
Тилла ишқим олис мозийга.

Эсимда йуқ феруза боғлар –
Йўлагида сарсон юрган бахт,
Сув оқизиб кетган сўроқлар,
Қалбим яшамаган пойи тахт.

Эсимда йуқ хансираб, осмон,
Дил шаробин симирганлари,
Тагли-тахтли аёвсиз имкон –
Мўрт илинжим кемирганлари.

Бўлурмиз деб бахтингга посбон –
Йўлим тўсган мураббийларим,
Кўнғироғин чалганча карвон –
Кетиб, ортда қолган куйларим.

Қўлларимдан судраб борар Вақт,
Хотиралар қолар фаромуш,
Эсимда йуқ ўзим қўйган шарт:
Ёрим бўлгай асл Алпомиш,

Яшаяпман кўзимни юмиб...

* * *

Кимдир кимгадир жон койтаверар,
Хаёт айтаверар беғам ашула.
Йирок, йирокларни ёритаверар,
Умрим таъқиб этган бир шоир шулға.

ЁЛҒИЗЛИК, ГУЛТОЖИМ /Туркум/

Ёлғизлик, гултожим

Ёлғизлик, гултожим, мен сеникиман,
Бир йилми. уч йилми, беш йилми, ўн йил.
Йўлларимни пойлар тақдир-ёсуман,
Хоинлар кўзимга боқарлар дадил.

Ёлғизлик, гултожим, атрофим бўшлиқ,
Кўлимг а илинмас на тош, на чечак.
Имдод қил, капалак қаноти янгилик,
Зил кўнглим айлагил енгил ва кичик.

Ёлғизлик, гултожим, сабабчи- ўзинг-
Майсадаги шудринг мисол борим йўқ.
Менманми, менманми кўргани кўзинг,
Қара, ўчоғимда қолдими бир чўғ...

Ёлғизлик, гултожим, унда бир кимса,
Ўзининг кимлигин билмай ўтар-ку.
Бир кун умр йўлин оппоқ қор кумса,
Рад этилган баҳор бағрин ўртар-ку.

Ёлғизлик, гултожим, музлаган дилда –
Тийғаниб йиқилди ёлғон салтанат.
Энди қолиб кетди олис манзилда-
Уқувсиз муҳаббат янглиғ синоат.

Ёлғизлик, гултожим, найзаларинг санч,
Тишимни тишимга қўйиб чидайман.

Сенга ҳеч ким халал бермас, кўнглим янч,
Айтавер музлатар кўшиғинг ҳамон.

Аччиқ оғриқларга бир тўйай ўзим,
Музлаб-музлаб юрак ўтларин боссин.
Ёлғон севинчлардан поклансин кўксим,
Ой келиб сочимга хандасин оссин.

Ўкинчлар сеники

Ўкинчлар сеники, жуфти йўқ аёл,
Танҳо сен ҳеч кимнинг суянчи эамс.
Этакларин судраб келган тун кўпол,
Ул сенинг файзи йўқ кулбангни севмас.

Хотиннинг беори, эрнинг номарди,
Сенга “тиғ” санчишда иккиланмайди.
Сенинг ҳимоясиз, юпқа соянгга,
Юқаверар қувноқ жононлар гарди.

Шафқат сўраб турган дарду дилингни,
Кўзлардаги шубҳа эзиб кўяди.
Маккор саволлар-чи қисар тилингни,
Бош урганинг девор “кулиб ” тўяди.

Пешонангнинг ўзи қилмагач карам,
Мухаббатинг мулки қолгач безга.
Онанг куяр, лекин истамасанг ҳам,
Санчилган тикансан ота уйига.

Кўзингдан тўкилган девона ёшлар,

Мадху сано айтар бенажотликка.
Аёвсиз нур билан, ойлар, қуёшлар,
Бостириб киришар мулкингга тикка.

Ёшлик кунларингни айларкан увол,
Бу ҳаёт ҳеч кимга бермайди ҳисоб.
Тошга айлангириб қўяркан бу ҳол,
Соддадил бардошинг бўла бошлар соб.

Йўл юриб, манзилга етолмайсан ҳеч,
Кўп бор алданасан бир шарпа кутиб.
Борасан-кўзинг ўт, қошларинг-қилич,
Ғам сендек қайсарни қўёлмас ютиб.

Ўқинчлар сеники, жуфти йўқ аёл,
Танҳо сен ҳеч кимнинг суянчи эмас.
Этакларин судраб келган тун-қўпол,
Ул сенинг файзи йўқ, қулбангни севмас.

* * *

Йиғласа , кўзидан дур тўкилмаган,
Оғзидан гул сочмай қўйган пари-мен.
Ўша-даврон чертиб кўрганда синган-
Жонон пиёланинг синиқлари- мен.

Чегараси бордир Олам Замининг,
Сабр ила тоқатнинг чегараси йўқ.
Бирор тўн қиймадим ўз бўйимга тенг,
Олов юрак билан билганим-тийиқ.

Севгига айланиб улгурмай бир ҳис-
Бевалик кўйлагин кийди навжувон.
Умрни қамраган ўша дард боис,
Олмишдир юрагим азобдан унвон.

Тириклик дарахтин бир шохи-талаш,
Эпчиллар қайирган битта четини.
Кўнглим-ай қор ёғса ёмғир аралаш,
Муҳаббатнинг гулдан қилган ўтини...

Сабр

Эрсиз ўлмас аёл, қийиндир-
Устун бўлмоқ ўзингга ўзинг.
Бўғар, жимлик қўлларин синдир,
Хур елларга тўкиб ол сўзинг.

Эрсиз ўлмас аёл, қийиндир-
Тош отсалар болу парингга.
Дардларингдан наволар ундир-
Ёш кўндирма киприкларингга.

Эрсиз ўлмас аёл, қийиндир-
Ҳиссиз остонага боғланмоқ.
Сен қайсар бўл, ёмғирни тиндир-
Булулларга осмон тўлган чоғ.

Эрсиз ўлмас аёл, қийиндир-
Сенинг шоминг кутганлар учун.
Ойналаринг сенинг соқиндир-
Зимдан оғу тутганлар учун.

Эрсиз ўлмас аёл, қийиндир-
Ўчай дейди милтиллаган шам.
Узун сочинг силайди сабр,
Қўли тошдай қаттиқ бўлса ҳам.

Ёлғизлик

Бахт хақида эртак тўқийди қуртлар-
Уларни шамоллар олиб учади.
Ўзига зеб бериб яшар манқуртлар,
Кўнглимининг болини дардлар ичади.

Эридан сўз очган аёллар ичра-
Ўлтириб, боқарман олис уфққа.
Жунжиккан борлиққа ўйларим - хужра,
Тўлқиндай урилар оқшом тўпикқа.

Сочимга тангалар сочар кўкдан мох,
Япроқлар учида жаранглар кеча.
Бўронли бекат бу- қилардар огоҳ,
Қоронғудан кўрқиб бурканар ғунча .

Фалак “манглай” отлиқ бир тошни босар
“Қушман, учай” деган қошим устига.
Ёлғизлик шарпасиз келар-да, ёзар-
Кўринмас чодирин бошим устига.

Бу ёлғончи дунё

Бу ёлғончи дунё ёлғон айтади,
Мана шу бўм-бўш уй сенинг қисматинг.
Бари ўз аслига яна қайтади,
Яна –ёлғизлигинг. Яна –хизматинг.

Ногаҳон ёпирилиб кирган шамол-чи,
Деразангни секин ёпиб кетади.
Кимдир сархуш, кимнинг ошиғи олчи,
Кимдир бу дунёдан ғамгин ўтади.

Тўртинчи қаватга чиқар бир аёл

Ҳар икки кўли банд, ишидан келиб,
Тўртинчи қаватга чиқар бир аёл.
Тўртинчи қаватга яшар, осилиб,
Бахмал кенгликларни севган бир хаёл.

Зиналар хўрсиниб кўяди ўтса,
Кулимсираб кўяр деворлар хиёл.
Ранжимас, саломин кимдир унутса,
Тўртинчи қаватга чиқар бир аёл.

Ўтади бир жонон, кўйлаги зарли,
Ўтади бир жувон, дуррачаси дол.
Ёз ўтар, куз ўтар, қиш ўтар қорли,
Тўртинчи қаватга чиқар бир аёл.

Ювган кирин осар тонг кипригига,
Умидин ўрар ел йўргакларига.
Тугмадир зангори тиллақўнғизлар,
Хаёлин қизғалдоқ кўйлақларига.

Майин нафасидан қор эримайдир,
Болари экан ул, эмас экан бол.
Кўзидан пинхон бир сир аримайдир,
Тўртинчи қаватга чиқар бир аёл...

1992

* * *

Мен уфққа термулиб қолсам.
Зиён недур? Нафлар нима?
Керак сўзни топиб олсам,
Ортимдаги гаплар нима...

КЎНГИЛ

Қайсининг бир зарраси - Қайсарим,
Лайлининг бир саси-сувсарим.
Озарим, Тўзарим. Ўсарим.

Алвон булутларга маҳкума.
Тўкилган тутларга маҳкума,
Зардобли сутларга маҳкума.

Ичганинг-тупроқнинг жаранги,
Тутганинг-қисматнинг таранги.
Етганинг- кўкламнинг заранги,
...Қайсининг бир зарраси... Қайсарим.

1993

ЎҒЛИМГА

Жажжи қайиқчани қўйдинг оқимга,
Ва ортидан чопдинг завққа тўлиб шўх,
Қайиқчанг тушунмас менинг тилимга,
Ул сузар дарёнинг бир қирғоғи йўк.

Сен англаб борасан буни кунба-кун,
Дардинг ўсмоғи дан ўсади дардим,
Сен олов бўлиб ўс, ўсмагил дилхун.
Қурбон бўлай сенга, бўлиб ўс мардим,

Тиғдор сўроқларинг олдинда ҳали,
Билмайман, нелар бор қисматимизда.
Ҳол билмас, дард билмас ғофиллар аҳли –
Кўп бор бўлмасайди хизматимизда.

Кўшиғи бутунлар - сен учун ҳавас,
Талпиниб борурсан - итарар улар.
Кўй ўғлим, хор қилма ўзинг бир нафас,
Бир кун қадамингдан очилгай гуллар.

Ўксимагин, менинг қорақўз болам,
Иккинчи қирғок ҳам ўзим бўлурман.
Жажжи қайиқчангни кутар кенг олам.
Мен эса ортидан қараб қолурман.

* * *

Уфқ рўбарў остоналарда
Кўнгил ва бахт ёнма-ён, эй дўст.
Елиб ўтган шамхонларда
Запечаклар зармакон , эй дўст.

Мен гулларни уздим беҳуда,
Бўлолмади улар меники.
Ўтаяпти кунлар орзуда,
Бораяпман ойга кўникиб.

Жийдагулбўй бунчалар тўкин,
Қайдан менга бунча марҳамат...
Хуштак чалиб кетаётган Кун-
Юрагимни қайтармоғи шарт!

2007

АРҒИМЧОҚ

Тонг шамоли этагин
Тутолмадим, арғимчоқ,
Кўнглимга ишқ эртагин
Битолмадим, арғимчоқ.

Ҳаё кўйган тўсиқдан,
Кетолмадим, арғимчоқ,
Тақдир чизган чизикдан
Ўтолмадим, арғимчоқ

Тутолмадим, арғимчоқ,
Кетолмадим, арғимчоқ.
Сен кўзлаган манзилга
Етолмадим, арғимчоқ.

2007

КЎНГЛИМГА

Кўнглим, сенга аталган гуллар
Ишқ ўт қўйган оловда унган.
Тўсганда ҳам йўлинг ақллар,
Узиб олгин , оловга узан.

Кўнглим. Сени дардлар излайди,
Туғилгандир улар кўққисдан
Саҳроларда карвонлар кезган
Йўллардаги оху изида.
Кўнглим сенинг мулкинг бепоён...

БИРОВЛАР

Бировларнинг кўзига
Қараб яшагандайман.
Бировларнинг сўзига
Қараб яшагандайман,
Бу қандай яшаш бўлди!

Бировларнинг кўзида
Ўз хаёли бўларкан.
Бировларнинг сўзида
Ўз мақоли бўларкан,
Бу қандай яшаш бўлди!

Бировларнинг кўзи деб,
Бой бердимми омадни,
Бировларнинг сўзи деб,
Унутдимми роҳатни?
Бу қандай яшаш бўлди!

Кўзларини бировлар.
Олиб қочди ниҳоят,
Сўзларидан бировлар –
Тонди, билмади уят,
Бўлмаганимда пушаймон.
Яшаш бўлди бу қандай!

2010

БАРИБИР...

Севилмаган савдо,
Савдойи савдо
Қуёш оташида
Бўлгуси пайдо.
Харасангни ирғитиб отилган булоқ-
Қалбим итқитади дардларни узоқ,
Кафтимда капалак қолдирган бўса.
Кифтимда эса
Ғурур ва мутеълик мажаролари,
Кипригимда аср ғуссалари бор.
Қалбимда муҳаббат пора-порадир.
Барибир, бахтлиман машаққатимда
Машаққатим Сулаймон тахтида-дарё.

2002

ЎҒЛИМГА

Гар фарзанд беақл-умид чалажон,
Юрагин ҳовучлаб яшайди она.
Гарчи тарбияда бор мингта имкон,
Ноқобил ўғилда-минг бир баҳона.

Ўғлим, ўзгаларга бўлма кўғирчок,
Сенинг қўлинг билан ўч олмасин ёв.
Ёмон онадир мен эҳтимол, бироқ,
Сен учун мен каби куйинмас биров.

Кўзимнинг нури деб катталар қилдим,
Катта бўлсин, болам, ўйинг, сўзларинг.
Меҳримни енголмай хатолар қилдим,
Ранжлар қолдирмасин босган изларинг.

2000.

ҲИСЛАР

Эҳ, салгани тегса имконнинг кафти,
Шамолда тўкилган ўрик гулидек,
Тўкилаверади ҳислар қоғозга,
Қайнаб ётган қалбимнинг сатҳи,
Айланади минг битта созга.

Дилбандимга тилак

Умринг қасри мустаҳкам бўлсин,
Осмонида юлдуз ёнсин мўл,
Жаҳон айвонида очилсин-
Бир сен учун аталган бир гул .

Дард

Енгил қийин бўлган бирдард эди у,
У билан курашар қалбим бир умр,
Етиш қийин бўлган бир бахт эди у,
Уни ўйлаб яшар қалбим бир умр.

Босиқ бўлиб

Босиқ бўлиб босганмидим оёғингизни,
Оғир бўлиб оғритдимми томоғингизни.
Сизга менмас, балки менинг менлигим оғир,
Синдирмовдим вазмин бўлиб бутоғингизни,
Сизга менмас, балки менинг менлигим оғир...

1992

СЎЛИБ, СИЗНИ

Сўлиб, сизни севинтирайми?
Севинайми Сизни сўлдириб?
Айтинг, мен ҳам яйраб юрайми?
Яшайинми ё саф тўлдириб?

1992

КЕТСАМ...

Жафони жонимга жойлаб кетарман,
Кекларнинг кўзларин бойлаб кетарман,
Қуёшнинг йўлини пойлаб кетарман,
Кетсам бу ердан.

Кетсам-да, бир ўтни олиб кетарман,
Хўрликларим бунда қолиб, кетарман,
Икки юзли бахтга толиб-кетарман,
Кетсам бу ердан.

Бу ердан мен кетсам, ўйнаб кетарман,
Бул ғариб ҳавони қийнаб кетарман,
Пора-пора ғамни чайнаб кетарман,
Кетсам бу ердан.

1993

* * *

Косам оқармади, мен чўкмадим тиз,
Мен ғариб дилларни севдим, илоҳим.
Дунёда ўзимни енголдим ёлғиз,
Дунёда ўзимга етишди оҳим.

Мен кучоқ очгандим жонбахш садога,
Дилим кулбасига тўлди чўнг озор.
Бор умрим тўловдир битта хатога,
Ҳануз англолмадим, бу қандай бозор?

Нафис чечакларга юк ортган Замон.
Юксиз эшакларга боқурсан лоқайд.
Сабру итоатдан уйилган хирмон-
Ҳали ҳам кичикми. Озми ҳали. айт?

Кўксимга қадалган оғриқлар ҳаққи,
Ранж унган майдонлар- сенга саволим
Сўрамаган эдим сендан чойчақа,
Сотган эмас эдим ҳатто шамолим.

Умримни-ку қарзга олмаган эдим,
Қарз оляпман бугун қуёш ёғдусин.
Мен мудом ўзгалар ғамини едим,
Аммо тополмадим тўғрилиқ дўстин.

Макр, алдовларга қўл тутолмадим,
Нопок шодлик билан кулмас қароғим.
“Тақдирим қўл билан яратолмадим”,
Балки шудир менинг оғир гуноҳим.

1991

ЭШИК

Ниҳоят шаҳд билан очдингиз эшик,
Юзимга урилди эшик қирраси.
Ичкари қув экан, ичкари –шумшук,
Ичкари бачкана мато растаси.

Англадим -адашиб келибман бунга,
Гарчи манзил-ўша, адашган ўзим.
Нега қараб туриб дунёи дунга,
Баъзан пасткашликни илғамас кўзим.

Ишончимнинг тўнин олдингиз ечиб,
Бунчалар тор дунё хонангиз аро.
Эҳтиром гуллари тўкилди чўчиб,
Кибр оҳангидан бўлди дил яро.

Дарё бўлиб тошган шоир қалбимни,
Кўрмасангиз нетай, кўролмасангиз.
Тўғонлар қурибсиз, синаб сабримни,
Нетай, сийратимга кўз солмасангиз.

Мен кенгликни севган ёввойи чечак,
Сўлгинман макрлар тор гулдонида.
Яна ўз йўлимдан кетаман бешак,
Юлдузларни кўзлаб руҳ осмонида.

Англадим, адашиб келибман бунга.

* * *

Жим турдим гапириш керак бўлганда,
Тополмагандирман керакли сўзни.
Йиғладим тупуриш керак бўлганда,
Журъатсизлик қилиб. қийнадим ўзни.

Гапларим кўп жуда, ишон эй дунё,
Юрагимга ботар тарозу тоши,
Зумрад кенгликларга сочилган зиё,
Оқиб келаяпти мен томон шошиб.

ТОҒДА

Бир қадам,
Бир қадам ундан илгари,
Бир қадам,
Бир қадам, бундан илгари,
Интила-интила чиқсам чўққига,
Хитланмай омадининг борми-йўғига,
Сукланиб-сукланиб боқсам оламга
Акс-садолар алик олса саломга.
Осмон-кўнглим бўлса, кўнглим-осмон!
Қолмаса на кўрқув... на зарра армон,
Осмон-кўнглим бўлса, кўнглим-осмон!

2001

* * *

Мен ўзимга айларман тортиқ,
Ўзгартириб дунёи дунни,
Ёмғир билан ювилган, шаффоф,
Қалб куёш-ла ўпишган кунни,
Кўнглимга бахт тўкилган кунни.

2007

* * *

Гулбоғимга қўйганда қадам,
Кўп турланди фасл соҳири.
Хайр -хўшсиз кетди баҳор ҳам,
Ҳаммасин бор экан охири.

Деразадан боқаман маҳзун,
Гулбоғимнинг йўлаклари тинч.
Гуллар қаттик қиздирса ҳам Кун,
Яшнамоққа топмоқдалар куч.

Оқаверди ариқча толмай,
Парво қилмай ел зардасига.
Бир нимани ўзгартиролмай,
Ой беркинди тун пардасига.
Хайр -хўшсиз кетди баҳор ҳам....

* * *

Гултувакда бир туп ёронгул,
Юрагимга бўйламоқ истар.
Сўзла, дейди, менга бир шингил,
Мен ҳақимда ўйламоқ истар.

У шунчалар қалбимга элки,
Боқиб турар меҳрдан тонмай.
У шунчалар оддий бир гулки,
Иложим йўқ унга ишонмай.

Гултувакда бир туп ёронгул...

ЎҒЛИМНИНГ ТЎЙИГА

Бугун сенинг тўйинг, азиз ўғлоним,
Ёнингда ёринг-ла кирдинг даврага,
Бугун сенинг тўйинг, жону жаҳоним,
Бу тўй бахту иқбол, умид дараги.

Бугун тўйинг ўғлим, тутиб гул-чечак,
Икки шамшод келар икки ёнимга
Хуш келибсан зебо, чечан келинчак,
Меҳрли, зиёли хонадонимга.

Умрингизда шодлик ва бахт бўлсин мўл,
Ширин ўғил - қизлар берсин Оллоҳим.
Довонлардан ошинг сиз ушлашиб қўл,
Бирингиз қуёшим. Бирингиз моҳам.

Баҳорга айланар гўзал ҳаётим,
Бир ёнимда гул-у. бир ёнимда нур,
Иккингиз бамисли икки қанотим
Юрагим парвози бахт сари бўлур.

2010

* * *

Ҳаловат. Кечикди соя-салқинлар,
...Сақладим кўксимда зангор боғимни.
Ўртаниб суйгуси гулшода кунлар,
Ой қадар ўстирган дилбошоғимни.

Қилкўприк қилидай лафзи омонат-
Шамол чорламоқда япроқ базмига.
Душман каби дўст ҳам қилса хиёнат,
Номозшомгул солмас ишқим измига.

Қўш-қўллаб тутганим шу бўм-бўш қалбга,
Гуссалар тўлдириб бермишдир фалак.
Таваккал таъмидан қақраган лабга-
Дил тутган бир булоқ кетмиш бедарак.

Мен кимман? Шамоллар кафтидаги барг!
Афсонадай чайир, ўт янғлиғ ювош.
Орзулар тийғин-да этолмаган тарк,
Мен кимман? Атиргул кўзидаги ёш!

Денгизман, Уммонман. Пойи-пиёда-
Қошимга келмишлар сарвқад умидлар.
Менга шаббодлар тутган навода-
Чайқалиб-чайқалиб яйрар вужудлар...

Ҳаловат, кечикди соя-салқинлар...

КУЗАК

Япроқлар овчиси-кузак ҳам келди-
Қисмат тўрин ипи- ҳилпирар мезон.
Қаҳратон совчиси-кузак ҳам келди,
Қуёшнинг изида қолганим аён.

Ёқут тишли анор озғин юмибдир,
Саратон еганин тутмоқ учун сир.
Офтобнинг болини анжир шимибдир,
Етилган тарвузлар нафс учун асир.

Музлар сувнинг сўзга очилган лаби,
Дарахтлар пойига бош қўяр унлар.
Қуёш эркалаган хазонлар каби,
Шитирлаб узилар қалбимда кунлар.

Тупроққа ёприлган хазон галаси,
Сенинг изларингни ташлайди чўқиб.
Толлар сувга боққан бир кузак саси
Юракнинг тубига борадир чўқиб.

Юлдуз шовуллаган осмон бошимда,
Армон тор айлайди ҳар соч толамни.
Ичилмаган ишқнинг заҳри-ошимда,
Қўлларим қучади бўм-бўш оламни...

СИНГИЛЛАРИМ

Менингким меҳрибон сингилларим бор,
Кўнглимга қаровчи, фаришта,
Коримга яровчи, синашта,
Қилиб қўймас асло сизга хор.

Сингилларим менинг оқила, синиқ,
Иши йўқ на мовут ва на бўз билан,
Меҳрни ўлдирса, қалбга теккан “ўқ”
Тузата олади битта сўз билан.

2007

ҚИСҚА САТРАЛАР

* * *

Мудом одам билан тирикдир одам,
Дўст остонасига қўй бугун кадам,
Ахир дўст ёнида камлар сезилмас,
Дўстингдан йироқда мудом недир кам.

* * *

Элликта элакда эланган чироғим,
Элликта элакка эланган сабоғим,
Элликта элакни эритган бармоғим,
Элликта элакдан қолгани сўроғим...

* * *

Хаёт тўлқинида сузмадим сира,
Кўнглим қолиб кетди зор соҳилида
Холбуки қўймасди шу кўнгил сўраб,
Дийдор соҳилига ўтишни жуда.

* * *

Чекилган ранжлар учун
Сўралмаган узрлар
Дилда бўлиб минг тугун
Умрим аро кезарлар.

* * *

Янги гул очилар, эскиси сўлар,
Кинояли қўяр Вақт жилмайиб,
Унинг қўли билан бўшлиқлар тўлар,
Нимадир тикланар, нимадир ғойиб.

* * *

Дарё айтар, дарё дилим, бор бўл энди,
Чаман айтар, латиф гулим, бор бўл энди,
Шамол айтар, эркин йўлим бор бўл энди,
Юрак айтар, озода элим бор бўл энди.

* * *

Эркаксиз уй, ўша лолақизгалдоқ,
Йирокдан қарасанг сўлим, бағри бут,
Яқиндан-бағри чок, оҳлари уйғоқ,
Яқиндан-эгнида қўйлакмас, совут.

* * *

Бу дунёнинг нуқсонларин тузатмоқ,
Ўжар дилга илму одоб узатмоқ,
Дилдор опа, оғир меҳнат-бу меҳнат,
Кучсизларни кучли қилиб кузатмоқ.

* * *

Бир ажиб чаманзор, гўзал, дилоро,
Шуълага чулғаниб отаётган тонг,
Уйғоқ ранглар, уйғоқ оҳанглар аро,
Қиличи занглаган, ухлаб ётган онг.

2001

* * *

Заҳматларин кимдир чекар, қандин ейсан,
Еб ётишга тоғ бўлса ҳам ётиб ейсан
Бир пашшадек кўринмайди сенга инсон.
Қай юз билан, фарзандингман, Ватан, дейсан.

2003

* * *

Кўнглим осмонига йўллаётир хат-
Бир дарахт, хатида риндона ҳайрат,
Жаҳолат тарафдан эсган шамолга-
Энди бас келади, билдим ҳарорат.

* * *

Қор қуйилар Навоийнинг байтидек маҳзун,
Кўз ўнгимда қаро тунлар чоки сўкилар.
Бу дунёда борлигингиз унутгум бир кун
Қисматимдан ташқарида очилган гуллар.

* * *

Бахт қушидек елкамга кўнди
Хийбонда сарик бир япроқ.
Олисларда шафақлар сўнди,
Ўтиб кетди куёшим чапроқ.

* * *

Бахт шунчалар ўхшардики бахтсизликка,
Алал охир мен бахтимни ташлаб қочдим.

* * *

Кўксингизга мунглиғ бошимни қўйиб,
Ўксиб-ўксиб йиғлай эшик ёнида.

* * *

Кўрқаман орзунинг чексизлигидан
Мен борман, кўрқма ҳеч, дейди ҳақиқат.

* * *

Кимларнинг ҳурматин топаман дея,
Сарсон-саргардонсан бунчалар ахир,
Сен аввал ўзингни ҳурматлармисан?

* * *

Қиш чоғи совуқдан қочгандинг, олов,
Шафқат, садоқатдан кечгандинг олов,
Энди ўчоқдан жой сўраяпсанми?

* * *

Бахт кушига дон бермоқ кимгадир қисмат,
Бахт кушига жон бермоқ кимгадир қисмат,

* * *

Кўнгилнинг кўзига қарай олмасдан,
Тусмоллаб яшайди қанча одамлар,

* * *

Синама, сир олма, кўнглимки синик,
Ва лекин яширган оҳлари сим-сим.

* * *

Бир бемехр сингил бўлса, дунё тор,
Ғаним керак эмас, тинчинг бузарга.

* * *

Ерда қолган сўзимни топиб,
Олиб кетар бағрида насим

* * *

Сен ўтган томонлар ёришиб кетар,
Кўнглим наволарга қоришиб кетар.

* * *

На олтин, на гавҳар кутиб яшадим.
Мен сиздан бир хабар кутиб яшадим.

* * *

Юрагимни элтдим изтиробларга,

Аслида мен битта дастёрман, холос.

* * *

Тез юрдик. Виждонлар тушиб қолдилар.
Ва ухлаб қолдилар ўтган йўлларда.

* * *

Гулми юрак? Унга қўнгани- қўнган,
Ташвишнинг ранг-баранг капалаклари.

* * *

Чўққидан пастда ҳам ўсади лола,
Чўққидаги лола-барчага армон.

* * *

Ёриқ пиёлада узатилган чой,
Аллақачон совиб қолгани аён.

* * *

Дарахтлар шохида ухлаб қолган қор
Уйғониб, йиғлади аёзни қўмсаб.

* * *

Барг тўкилар. Кимдир норози-
Ўша баргни супурганига.

* * *

Мени олиб келди тақдир шамоли
Қалбиндаги лов-лов ёнган шу лолазорга.